

Электрон тижоратнинг хуқуқий асослари

(4-бетда ўқинг).



Тижорат банклари рейтингининг
натижаси шарҳи.....6-7

Суғурта тўловининг
электрон усули.....15

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

Банк ходимлари, ишбилармонлар ва тадбиркорларнинг ҳафталик газетаси

ISSN 2010-6602

1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда № 11-12 (982-983), 2015 йил 19 март www.banknews.uz

Наврўзи олам муборак бўлсин!

● Сайлов – 2015

Халқаро кузатувчиларни рўйхатга олиш давом этмоқда

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Марказий сайлов комиссияси аъзолари, сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва халқаро кузатувчилар иштирок этди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастурида белгиланган вазифалар ижроси, жумладан, участка сайлов комиссиялари фаолиятида ҳуқуқни қўллаш амалиётининг айрим масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси мамлакатимиз Конституцияси, сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, шунингдек, Марказий сайлов комиссиясининг тегишли қарор, низоми ва йўриқномалари асосида очиқ ва ошқора ўтказилаётгани таъкидланди.

Марказий ва округ сайлов комиссиялари томонидан участка сайлов комиссиялари аъзоларининг сайлов қонунчилиги, ушбу муҳим сиёсий тадбирни ўтказиш амалиёти бўйича билим ҳамда кўникмалари ошириб борилмоқда. Улар учун семинар-тренинглари ўтказилиб, ташкилий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатилмоқда.

Мажлисда «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддасига мувофиқ, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, ҳар бир сайлов участкасида сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатган сиёсий партиялардан биттадан кузатувчи, матбуот, телевидение ва радио вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар иштирок этиш ҳуқуқига эга экани қайд этилди.

Шу муносабат билан Марказий сайлов комиссияси зарур ҳужжатларни тақдим этган халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар кузатувчиларини, мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакилларини рўйхатга олиш масаласини кўриб чиқди.

Мажлисда Марказий сайлов комиссияси ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама этилди.

ЎЗА материали асосида.

«BankExpo-2015»: банк тизими салоҳиятининг намоёиши

Жорий йилнинг 12-13 март кунлари «Кўргазма савдо маркази» мажмуасида банк технологиялари, ускуналари ва хизматлари «BankExpo-2015» VIII миллий кўргазмаси ўтказилди.



Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси ҳамда Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Ўзбекистон банклари Ассоциацияси ва Ахборот технологиялари корхоналари ва ташкилотлари Ассоциацияси билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур кўргазма мамлакатимиз Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислох қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Қарорида белгиланган устувор вазифалар доирасида аънанавий ўтказиб келинмоқда.

Кўргазманинг асосий йўналиши Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган вазифалар, шунингдек, кичик тадбиркорлик субъектлари, оилавий бизнес, ўз тадбиркор-

лик фаолиятини бошлаш истагида бўлган таълим муассасалари битирувчиларига тақлиф этилаётган банк хизматлари юзасидан маълумот ва тавсиялар беришга қаратилган.

Пойтахтимизда икки кун давомида бу йирик анжуманда салоҳиятли ва ёш тадбиркорлар, касб-хунар коллежалари битирувчилари, аҳоли ва пойтахтимиз меҳмонлари ташриф буюришди. Тижорат банкларининг 200 дан ортиқ имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлари ва қимматбаҳо совғалари ўз эгаларига тантанали равишда топширилди.

Мазкур кўргазманинг ҳудудий босқичлари мамлакатимизнинг барча вилоятларида ўтказилди. Унда жами 80 мингдан зиёд аҳоли, тадбиркор ва ёшлар иштирок этган бўлса, 12-13 март кунлари пойтахтимизда ўтказилган кўргазмада 42 мингдан ортиқ юртдошларимиз ва хорижий меҳмонларнинг қатнашгани кўргазма нуфузи йилдан-йилга ошаётганидан далолат беради.

Кўргазма давомида меҳмон-

ларда замонавий ахборот технологиялари базасига қурилган янги хизматлар, жумладан, депозит турлари ва кредит маҳсулотлари алоҳида қизиқиш уйғотди ва улар бўйича батафсил маълумотларга эга бўлишди. Тақдим этилган инновацион банк технологиялари мижозлар кўз ўнгида банк тизимининг юзи ва салоҳиятини аниқлаб берди.

Кўргазма давомида ўтказилган тадбирлар юртимиз банк тизимининг мижозлар талабларини мос равишда илғаб олаётгани, унинг юқори даражада хизмат кўрсатишга, банк маҳсулотлари турини оширишга бўлган интилишини ёрқин гавдалантирди. Мазкур анжуманларга ташриф буюрган меҳмонлар бугунги кунда банк фаолияти ва молиявий хизматларнинг барча жабҳалари автоматлаштирилганига, шу билан бирга, кредит ташкилотларининг рақобатбардошлигини таъминлайдиган омилларга, уларнинг ривожланиш истиқболларига ишонч ҳосил қилдилар.

(Давоми 2-бетда).

BANK TECHNOLOGIYALARI

«BankExpo-2015»: банк тизими салоҳиятининг намоиши

(Давоми. Бошланиши
1-бетда).

Кўргазма давомида кичик ва оилавий бизнес вакиллари, ёшлар бизнес лойиҳаларини амалга ошириш учун банк тизимида яратилган шарт-шароитлар ва имкониятлар, хусусан, банк хизматлари, кредитлаш тартиблари ва яратилган имтиёзлар билан таништирилди.

Тижорат банклари таълим муассасалари,

айниқса, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини ҳаётга татиқ этишлари учун молиявий қўллаб-қувватлашга доир бой маълумотлар стенди билан иштирок этдилар.

Кўргазма яқунларига кўра, ташкилотчилар томонидан таъсис этилган номинациялар бўйича голиб банкларни тақдирлаш маросими пойтахтимизнинг «Туркистон» санъат саройида бўлиб ўтди.



Нозима АБРОРОВА,
«Трастбанк» ХАББнинг Кредитлаш ва инвестиция фаолиятини мувофиқлаштириш департаменти етакчи мутахассиси.

– Мазкур кўргазмада фаолиятимизнинг асосий йўналишига айланган кичик тадбиркорлик субъектлари, оилавий бизнес, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истигада бўлган таълим муассасалари битирувчиларини кредитлар орқали молиявий қўллаб-қувватлаш жараёнлари билан таништириш, банк хизматлари бўйича батафсил маълумот ва маслаҳатлар бериш мақсадида доимий иштирок этиб келмоқдамиз. «BankExpo-2015» VIII миллий кўргазмаси яқунларига кўра ўтказилган танловда «Трастбанк» ХАББ – «Мижозларга сифатли хизмат кўрсатувчи энг яхши банк» номинацияси голиби сифатида эътироф этилди. Банкимиз мижозларнинг янги авлоди талабларига жавоб берадиган юқори технологик ишланмалардан кенг фойдаланиб, замон билан ҳамқадам боришга ин-

тилмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, «Трастбанк» қиёфаси ўзгариб, хизмат кўрсатиш даражаси юксалмоқда, ички ва ташқи бозор ўзгаришларига тез мослашмоқда. Шу боис, истеъмолчиларнинг эҳтиёжини олдиндан сезиш ва уларнинг истак-хоҳишларига мос равишда хизмат кўрсатишга шароит яратилмоқда.

Бинобарин кўргазмада банк-молия муассасалари ва мижозлар ўртасидаги муносабатларни юқори поғонага олиб чиқувчи «Траст-Мобайл» ахборот дастурини ҳавола этдик. Мижозлар шу вақтгача интернет тармоғига уланиш орқали кечаю кундуз давомида «Интернет-банк» тизимидан фойдаланиш имконига эга бўлган бўлсалар, эндиликда мобиль қурилмалари кўмагидан фойдаланган ҳолда «Траст-Мобайл» хизмати

билан банкдаги ўз ҳисобварақларига кириш ҳамда уни мустақил бошқаришлари мумкин.

Кўргазма доирасида банкимиз томонидан чекка ва аҳоли зич жойлашган туманларда фаолият юритаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, эндигина иш бошлаётган ёш тадбиркорларнинг бандлики таъминлашга қаратилган лойиҳалари бўйича ўтказилган кўрик-танловнинг «Ёш тадбиркорларнинг энг яхши бизнес лойиҳаси», «Аёл тадбиркорларнинг энг яхши бизнес лойиҳаси», «Кичик бизнес субъектларининг энг яхши бизнес лойиҳаси» номинациялари бўйича голиблари эълон қилиниб, уларга имтиёзли кредит ажратиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар, эсдалик совғаларини топшириш маросими ҳам ўтказилди.

Асосий номинациялар бўйича эътироф этилган банклар рўйхати:

«Тадбиркорларнинг энг яхши ҳамкори ва ишончли таянчи» – «Ипотека-банк» АТИБ.

«Энг яхши микрокредитлаш хизмати» – «Микрокредит-банк» АТБ.

«Таълим муассасалари битирувчиларини қўллаб-қувватловчи энг яхши банк» – «Агробанк» АТБ.

«Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватловчи энг яхши банк» – ДТ Халқ банки.

«Инновацион лойиҳаларни қўллаб-қувватловчи энг яхши банк» – «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ.

«Қишлоқ фаровонлигига қўшаётган ҳиссаси учун» – «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ.

«Хорижий кредит линияларини жалб этаётган энг яхши банк» – ТИФ Миллий банки.

«Энг фаол инвестиция банк» – «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ.

«Аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватловчи энг яхши банк» – «Асака» ДАТБ.

«Худудларда фаолиятини кенгайтираётган энг яхши банк» – «InFinBank» ХАТБ.

«Инновацион ғояларни қўллаб-қувватлашга интилувчан энг яхши банк» – «Orient Finans» ХАТБ.

«Мижозларга сифатли хизмат кўрсатувчи энг яхши банк» – «Трастбанк» ХАББ.

«Худудий BankExpo-2015 кўргазмасида энг фаол иштирок этган банк» – «Хамкорбанк» АТБ.

«Банк тизимининг нуфузини оширишга қаратилган хорижий инвесторлар иштирокида ташкил этилган йилнинг энг яхши анжумани» – «Капиталбанк» АТБ.

«Мижозларга масофадан хизмат кўрсатувчи энг яхши банк» – «Ипак йўли» АИТБ голиб деб топилди.

Минтақавий филиаллар ўртасида ўтказилган танловлар натижалари бўйича голиблар:

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар ва микрокредитлар ҳажми ўсишини таъминлаган тижорат банкларининг худудий бўлинмалари ўртасида «Тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаётган энг яхши худудий банк филиали» номинацияси бўйича «Микрокредитбанк»нинг Қоравул филиали, «Asia Alliance Bank»нинг Қарши филиали, «Ипак йўли» банкининг Чилонзор филиали, «Трастбанк»нинг Андижон филиали, «Алоқабанк»нинг Самарқанд филиали голибликка муносиб қўрилди.

Интернет сўровлари ва кўргазмада иштирок этган банклар ўртасида ўтказилган танловлар натижалари бўйича голиблар:

«Сўров натижаларига кўра энг кўп овоз тўплаган банк» – ТИФ Миллий банки.

«Энг яхши реклама кампанияси» – «Ипотека-банк» АТИБ.

«Энг яхши ахборот билан таъминланган стенд» – «Капиталбанк» АТБ.

«Энг яхши стенд персонали хизмати» – «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ.

«Энг яхши стенд дизайни» – «Асака» ДАТБ.

«Ташриф буюрувчилар эътибори совғаси» – ДТ Халқ банки.

«Энг кўп ташриф буюрилган стенд» – «Orient Finans» ХАТБ.

«Энг яхши техник жиҳозланган стенд» – «Алоқабанк» АТБ.

«Энг самарали молиявий лойиҳа» – «Asia Alliance Bank» АТБ.

«Энг яхши худудий BankExpo-2015 кўргазмаси» – Марказий банкнинг Самарқанд вилояти Бош бошқармаси.

Самандар БАХТИЁРОВ, ёш тадбиркор.

– Банк тизими томонидан ташкил этилаётган бундай тадбирлар банк – мижоз учун, унинг манфаати учун ишлаётганига ёрқин мисолдир. Ушбу кўргазма ҳам ёшлар ўз бизнесларини бошлашларида, муқим иш жойига эга бўлишларида катта аҳамият касб этмоқда. Айниқса, кўргазмада барча банклар иштирокининг таъминлангани мен каби тадбиркорлар учун зарурий маслаҳатларни олишда, ўз бизнесимизни янада кенгайтириш имкониятларини кўриб чиқи-

шимизда айтиш мумкин. Зеро, бугун банкларимизда тадбиркорлар учун барча шароитлар, имтиёзлар муҳайё этилган. Банкларда ҳисоб рақамлар очиш учун тўлов ундириш бекор қилинганлиги, кредитлар 3 банк иш кунида кўриб чиқилиши, «Банк-мижоз» дастури орқали офисимиздан туриб, барча банк амалиётларини бажараётганимиз вақтимизни ва ортқча сарф-харажатларни тежашга имкон бермоқда.

Бекзод АКРОМОВ.

BANK TECHNOLOGIYALARI



«BankExpo-2015»: банк тизими салоҳиятининг намоиши

Кўргазма иштирокчиларидан блиц-интервьюлар:


Одилбек ОТАБЕКОВ,
«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ
Стратегия ва маркетинг бошқармаси бошлиғи.

– Кўргазмада банкимиз «Энг фаол инвестиция банк» дея эътироф этилди. Бу бежиз эмас, албатта. «Ўзсаноатқурилишбанк» томонидан саноатни ривожлантириш, ушбу йўналишдаги ишлаб чиқаришларни модернизациялаш ҳамда йирик саноат корхоналари фаолиятини янада кучайтиришга йўналтирилаётган инвестициялар ҳажми йил сайин ошиб бормоқда. Бу хорижий экспертлар эътирофига ҳам сазовор бўлиб, сўнгги йилларда муассасамиз фаолияти «Standart & Poors», «Fitch Ratings» каби халқаро рейтинг агентликлари томонидан барқарор, ишончли ва истиқболли, дея юксак баҳолашиб келинмоқда.

«Ўзсаноатқурилишбанк»нинг бугунги мавқеи бир неча йиллик таъриба инъикосидир. Демак, муассасанинг эртанги истиқболлини айна пайтдаги фаолият тамойили белгилайди. Шунинг учун банк раҳбарияти муассасанинг стратегик фаолиятини такомиллаштириш, ҳамкорлари ва мижозлари билан муносабатларни мустаҳкамлаш чораларини кўрмоқда.

Кўргазма ҳақида тўхталиб, тадбир банк-молия тармоғи вакиллари учун ахборот алмашиш, мижозлар учун эса, ўз ижтимоий-иқтисодий имкониятларини ошириш майдонига айланганини айтиш жоиздир.

Эркин ЗОКИРОВ,
«Асака» ДАТБ Ахборот хизмати бошлиғи.



– Мамлакатимизда хотин-қизларнинг иқтисодий-иш-тирокини янада ошириш, уларни оилавий бизнесга жалб этиш ва шу орқали турмуш фаровонлигини юксалтириш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирларда «Асака» банк ўз кредит сармоялари билан фаол иштирок этиб келмоқда. Банк томонидан республика-

да тадбиркор аёллар фаолиятини ривожлантириш бўйича фаол ишлар олиб борилиб, шаҳар ва қишлоқларда аёллар доимий иш билан таъминланмоқда. Хусусан, 2014 йил давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга 901,0 млрд. сўмга яқин кредит маблағлари ажратилди. Шу жумладан, тадбиркор аёлларга 77,3 млрд. сўмдан зиёд кредит маблағлари берилиб, ушбу йўналишга кредит ажратиш бўйича белгиланган прогноз кўрсаткичлари ортиги билан бажарилди. Ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган, бу йил VIII маротаба ташкил этилган «BankExpo-2015» миллий кўргазмасида «Асака» банк «Аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватловчи энг яхши банк» номинациясида голиб деб эътироф этилгани мазкур соҳада етакчилик қилиб келаётганига исботдир. Шунингдек, яна интернет сўровлари ва кўргазмада иштирок этган банклар ўртасида ўтказилган танловлар натижаларига кўра «Энг яхши стенд дизайни» номинацияси бўйича ҳам голибликни қўлга киритгани банкимиз ходимларига янада кўтаринки кайфият бахш этди.

Хайрулла ХОЛТЎРАЕВ,
«Агробанк» АТБ Матбуот хизмати мутахассиси.

– Мазкур кўргазмада «Агробанк» АТБ кўплаб замонавий хизматлари, қулай ва даромадли омонатлари ҳамда манфаатли кредит линияларини намоиш қилиш билан бирга, бошқа банклар фаолиятини ҳам яқиндан ўрганиш имконига эга бўлди.

Тадбирда «Агробанк» «Мобиль савдо хизмати» мавзуида тақдиротли чиқиш қилди. Тақдирот мамлакатимиз иқтисодийёти учун пластик карталардан фойдаланган ҳолда чакана тўловлар тизимини янада ривожлантиришнинг афзаллик томонлари, истиқболлари ҳамда амалга ошириш тартибларини ўз ичига олганлиги билан аҳамият касб этди.

Анъанага мувофиқ, кўргазма доирасида банк томонидан чекка ва аҳоли зич жойлашган туманларда фаолият юритаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъект-

лари, ишлаб чиқариш микрофирмалари, деҳқон ва фермер хўжаликлари, эндигина иш бошлаётган ёш тадбиркорлар, иш билан бандликни таъминлаш кўзда тутилган лойиҳалар бўйича ўтказилган танлов голибларига имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатларни топшириш маросими бўлиб ўтди. Унга кўра, «Энг яхши хунарманд», «Энг яхши тадбиркор аёл», «Энг яхши оилавий тадбиркор», «Энг яхши ишлаб чиқариш лойиҳаси», «Энг яхши инновацион лойиҳа», «Энг яхши хизмат кўрсатиш лойиҳаси», «Энг кўп иш ўринлари яратишга қаратилган лойиҳа», «Энг яхши фермер лойиҳаси», «Коллеж битирувчилари орасида энг яхши лойиҳа эгаси» ҳамда «Олис ва чекка ҳудудда жойлашган энг яхши лойиҳа» каби номинациялар бўйича истиқболли бизнес лойиҳалар эгалари тақдирланди.

Фарҳод АЛИМЖОНОВ,
«Микрокредитбанк» АТБ Кредитлаш департаменти
бош мутахассиси.

– Банкимиз томонидан тақдим этилаётган кредит хизматлари нафақат республикамизда, балки дунё бўйича ҳам энг кам фоизли микрокредитлар ҳисобланади. Муассасамиз юртимиз ёшлари, хусусан, касб-хунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорликка жалб қилиш ва шу орқали уларнинг иш билан бандлигини таъминлаш борасида имтиёзли микромолиялаштириш тадбирларини амалга оширмоқда. Унга кўра, агар коллеж битирувчиси яқка тартибдаги тадбиркор сифатида фаолият бошласа, энг кам иш ҳақининг 50 баробари миқдоридан, юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтса, энг кам иш ҳақининг 100 баробари миқдоридан, фермер хўжалиги ташкил этиб, иш бошлаган тақдирда эса, энг кам



иш ҳақининг 200 баробари миқдоридан 18 ой муддатга уч фоизли кредит олиб, ўз шахсий бизнесини йўлга қўймоқда. Бундай имтиёзлар мазкур кўргазмага ташриф буюрган ёшларни ҳам безътибор қолдирмади.

Одил ТОИРОВ,
«TexSistemaservis» компанияси бош директори.

– «BankExpo» кўргазмаси нуфузи йил сайин ошиб бормоқда. Чунки бу ерда нафақат маҳсулот ва хизматлар намоиши ташкил қилинади, балки банк-молия тизимини ҳар жиҳатдан ривожлантиришдек бир мақсад йўлида ҳам илмий-назарий, ҳам техник ва ишлаб чиқаришда чуқур изланаётган соҳа мутахассисларини учраштириб, ўзаро ахборот алмашишга, музокаралар олиб боришга шарт-шароит мавжуд.

Йирик анжуманда қатнашиш биз учун ҳам

жуда муҳим. Тадбир компаниямиз томонидан таклиф этилаётган банк технологик ускуналарини кенг доирада намоиш этиш имконини янада оширмоқда.

Бугунги кўргазмада иштирокчилар эътиборига пластик карталар эмиссияси бўйича замонавий технологияларни ишлаб чиқаришда дунё етакчиларидан бири саналган «Entrust datacard» компанияси ускуналарини ҳавола қилдик.

Маълумки, сўнгги йилларда Ўзбекистонда

халқаро стандартлардаги пластик карталарга талаб ортмоқда. «Entrust datacard» компаниясининг принтерлари айнан эмбосланган кодли (эмбосланганлиги унинг қўшимча ҳимояланганлигини таъминлайди) юқори сифатли карталарни эмиссия қилиши билан фарқланади.

Тадбирда, шунингдек, иштирокчилар навбатни тартибга солувчи Q-net PRO технологияси хусусида ҳам ўз билим ва тунчаларини бойитди.

Татьяна ЛИ,
«Ипак йўли» АИТБ Корпоратив мижозлар билан алоқалар ва банк хизматларини ривожлантириш бўлими бошлиғи.



– «Ипак йўли» банки фаолиятида банк маҳсулот ва хизматларини такомиллаштириб бориш муҳим ўрин тутди. Айниқса, сўнгги йилларда республикамиз банк тизимида нақд пулсиз ҳисобкитобларни ривожлантиришга бўлган талабдан келиб чиқиб, муассасамизда пластик карталарни оммалаштиришнинг ўзига хос усуллари кенг фойдаланилмоқда. Мижозлар эътиборига уларнинг нафақат юртимиз бўйлаб, балки дунёнинг барча давлатларида кенг қўлланиладиган турлари ҳавола қилинмоқда. Хусусан, Visa International, UnionPay International каби жаҳондаги йирик тўлов тизимларининг аъзоси сифатида банкимиз Visa Electron, Visa Classic, Visa Gold, Visa platinum, UnionPay Classic ва Gold каби халқаро пластик карталарни муомалага чиқариб, мижозларга ўз талаб ва қизиқишлари доирасида танлаш имконини бермоқда.

Шунингдек, банкимиз томонидан

пластик карталар асосидаги хизматлар жозибдорлигини ошириш, савдо ва хизмат кўрсатиш шаҳобчаларини тўлов терминаллари билан узлуксиз таъминлаш ҳамда бу борадаги чора-тадбирларнинг амалий натижаси юзасидан мониторинг олиб боришга катта эътибор қаратилмоқда. Ушбу йўналишдаги ишларимиз «SMS-хабарнома», «Шахсий кабинет» сингари хизматлар билан чекланиб қолмасдан, уларнинг янги кўриниши устида изланишлар олиб борилмоқда. Жорий йилнинг апрель ойидан банкимиз республикамизда биринчилардан бўлиб Visa Platinum PayWave пластик карталарини эмиссия қилишни режалаштирган.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, бугунги кунда «Ипак йўли» банки пластик карталар асосидаги хизматлар бозорида фаол иштирок этиш мақсадида мазкур турдаги воситалар эмиссиясидан тортиб, хизмат кўрсатишга бўлган жараёнлар хавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Ушбу мақсадда муассасамиз тўлов карталари соҳасида маълумотлар хавфсизлигини таъминловчи халқаро PCI DSS стандартларига тўлиқ риоя қилувчи банк сертификати эга бўлди. Бу шундан далолатки, айна пайтда банкимиз томонидан таклиф этилаётган пластик карталар ва улар асосидаги хизматлар ишончлилик ва хавфсизлик жиҳатидан жаҳон андозаларига жавоб беради.

DOLZARB MAVZU

Янги тахрирдаги «Электрон тижорат тўғрисида»ги Қонун лойиҳасининг муҳокамаси

Жорий йилнинг 13 март куни «BankExpo-2015» VIII миллий кўргазмаси доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан Қонунчилик палатасига иккинчи ўқишда қабул қилиш учун тайёрланган Ўзбекистон Республикасининг янги тахрирдаги «Электрон тижорат тўғрисида»ги Қонуни лойиҳаси муҳокамасига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Марказий банк, давлат ва хўжалик бошқаруви идоралари, электрон тижорат ва электрон тўлов соҳасида фаолият юритувчи хўжалик субъект-

лари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, кенг жамоатчилик вакиллари, олимлар, банк-молия тизими мутахассислари ва экспертлар иштирок этиб, қонун лойиҳасини ҳар томонлама қизгин муҳокама этдилар.

Тадбирда таъкидланганидек, Ўзбе-

кистон Республикасининг янги тахрирдаги «Электрон тижорат тўғрисида»ги Қонуни қабул қилиниши муносабати билан электрон тижорат соҳасидаги норматив-ҳуқуқий муносабатларни янада такомиллаштириш ва амалда қўллаш масалалари ўрганилиб, бу юзасидан зарур бўлган бир қатор қонуности ҳужжатларнинг рўйхати тайёрланган.



– Янги тахрирдаги қонун лойиҳаси электрон тижоратни ривожлантириш учун янги ҳуқуқий, иқтисодий, ташкилий ва техник шароитлар яратиб беради, – дейди **Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Тўлов тизими ва ахборот технологиялари департаменти директори Илҳом Абдугаффаров**. – Қонун лойиҳасининг муҳим хусусиятларидан бири – электрон шартномаларни расмийлаштириш ва ижро этиш жараёнларини энгиллаштиришдан иборат. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молиявий барқарорлиги, инвестицион фаоллигининг ошиши, ишлаб чиқарётган маҳсулотлари ва кўрсатаётган хизматларининг жаҳон бозорида янада рақобатбардошлиги ҳамда сифатининг юксалишига хизмат қилади.

Халқаро амалиётга мос равишда ишлаб чиқилган қонун лойиҳаси электрон тижоратнинг асосий йўналишларини ҳуқуқий тартибга солувчи барча йўналишларни қамраб олган бўлиб, унда электрон тижорат соҳасида давлат сиёсати, маҳсулот савдоси ва хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчиларнинг ички корпоратив муносабатлари, уларнинг истеъмолчилар ва ҳамкорлар билан ўзаро алоқалари ўз аксини топган.

Қайд этиш жоизки, қонун лойиҳаси тижорат йўналиши истиқболли учун хизмат қилиши билан бирга, ахборот соҳаси ривожланишига ҳам муносиб ҳисса қўшади. Хусусан, қонун лойиҳасида телекоммуникация тизими операторлари, банк, электрон танлов, аукцион ва ярмаркалар ташкил этиш билан шуғулланувчи юридик шахслар, электрон хабар, электрон ҳужжатлар сақлаш билан шуғулланувчиларнинг истиқболдаги бизнеси ривожига оид нормалар ҳам ўз аксини топган.

Тадбир давомида иштирокчилар томонидан ушбу қонун лойиҳаси бугунги кун талабларига мос равишда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга, истеъмолчилар билан ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги ўзаро алоқаларни янги босқичга олиб чиқишга, хўжалик юритувчи субъектлар, хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятида электрон тижорат имкониятларидан самарали фойдаланиш, уларнинг рақобатбардошлигини ошириш ва юқори иқтисодий натижаларга эришишда мустақкам асос бўлиши таъкидлаб ўтилди.

Жасур МИРЗАЕВ.

Реклама



«АСАКА» БАНК

Сизларни **Наврўз** байрами билан
чин юракдан муборакбод этади!

Юртимиз янада обод ва халқимиз бунданда фаровон бўлсин!
Дастурхонингиздан қут-барака, турмушингиздан
файз аримасин азизлар!

Жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин ва салоҳиятга
эга бўлган Ватанимиз янада гуллаб-яшнайверсин.

Байрам муносабати билан миллий валютада қуйидаги
муддатли янги омонат турини таклиф этамиз:

«НАВРЎЗ – 2015»

Ушбу омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки
омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

ШУ БИЛАН БИРГАЛИҚДА, «АСАКА» БАНК МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРДАГИ
ҚУЛАЙ ШАРТЛАРДА 60 ТА ОМОНАТ ТУРЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ.

ОМОНАТЛАРНИ БАНКНИНГ БАРЧА ФИЛИАЛЛАРИДА РАСМИЙЛАШТИРИШ МУМКИН.

Мурожаат учун телефонлар: (0-371) 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

1. Тошкент шаҳар филиали	(0-371) 120-83-13	14. Наманган вилояти филиали	(0-369) 225-44-03
2. Автотранспорт филиали	(0-371) 120-39-95	15. Навоий вилояти филиали	(0-436) 770-21-29
3. Шайхонтоҳур филиали	(0-371) 140-39-36	16. Зарафшон филиали	(0-436) 572-40-14
4. Юнусобод филиали	(0-371) 221-80-67	17. Бухоро вилояти филиали	(0-365) 770-05-19
5. Сирғали филиали	(0-371) 257-44-10	18. Бухоро шаҳар филиали	(0-365) 770-11-27
6. Тошкент вилояти филиали	(0-371) 120-84-13	19. Самарқанд вилояти филиали	(0-366) 233-65-47
7. Андижон вилояти филиали	(0-374) 223-60-74	20. Афросиёб филиали	(0-366) 221-75-40
8. Асака филиали	(0-374) 233-21-99	21. Қашқадарё вилояти филиали	(0-375) 221-07-41
9. Фарҳод филиали	(0-374) 226-96-63	22. Сурхондарё вилояти филиали	(0-376) 224-00-16
10. Фарғона вилояти филиали	(0-373) 244-39-14	23. Қорақалпоғистон филиали	(0-361) 770-60-59
11. Марғилон филиали	(0-373) 237-62-23	24. Хоразм вилояти филиали	(0-362) 228-14-81
12. Олтиариқ филиали	(0-373) 432-19-80	25. Сирдарё вилояти филиали	(0-367) 225-44-03
13. Қўқон филиали	(0-373) 542-61-01	26. Жиззах вилояти филиали	(0-372) 226-43-11

БАРЧА ОМОНАТЛАРИНГИЗ ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНАДИ.

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- миқдори чекланмаган.

«Асака» банк – сармоянгни сакланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

www.asakabank.com

Хизматлар лицензияланган.

BANK VA MIJOZ



Реклама

Qishloq Qurilish Bank

Барча юртдошларимизни яшариш ва янгилаш айёми –
Наврўз билан чин дилдан табриклаймиз.
Сизларга мустаҳкам соғлиқ ҳамда оилавий бахт тилаган ҳолда қуйидаги
янги жозибадор омонат турларини таклиф этамиз.

МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДА:

- ✓ «КЕКСАЛАРГА ТАЪЗИМ» – омонатга маблағлар 12 ойга қабул қилинади;
 - ✓ «КЕКСАЛАРНИ ҚАДРЛАШ» – омонатга маблағлар 6 ойга қабул қилинади.
- Ушбу омонатларга қабул қилинган маблағлар учун ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб берилади.
- ✓ «ИМКОНИЯТ» – омонатга маблағлар 1 йилдан 3 йилгача қабул қилинади.
- Омонатга ҳисобланган фоизлар капитализация қилинади, яъни ҳисобланган фоизларга қўшимча тарзда фоизлар ҳисобланади ҳамда ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагач тўлаб берилади.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДА:

- ✓ «PERCENT» – омонатга маблағлар 4 ойга қабул қилинади;
- ✓ «PROFIT» – омонатга маблағлар 12 ойга қабул қилинади.

Омонатга маблағлар АҚШ долларларида қабул қилинади, фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Қуйидаги омонат турлари намунавий лойиҳалар асосида қурилатган уй-жойларни оловчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий қилинган:

- ✓ «ХОНАДОН» – маблағлар 1 йилдан ортиқ муддатга қабул қилинади;
- ✓ «МАДАД» – маблағлар 12 ойдан кам бўлмаган муддатга қабул қилинади;
- ✓ «ҚУРИЛИШГА БОШЛАНҒИЧ БАДАЛ» – муддати – 1 йил.

Ушбу омонат турларига банкнинг барча филиалларида маблағлар қабул қилинади. Батафсил маълумот билан «Қишлоқ қурилиш банк»нинг расмий веб-сайтида танишишингиз мумкин.

Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатингиз:

- солиқ ва мажбурий тўловлардан озод;
- миқдори чекланмаган;

- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда.

«Қишлоқ қурилиш банк» – фаровон ҳаётингиз хизматида!

www.qqb.uz

Мурожаат учун телефонлар: (+99871) 150-72-58, 150-39-93.

Хизматлар лицензияланган.

«Asia Alliance Bank»: миждоз учун индивидуал таклиф

– Бу йилги кўргазмага банкимиз томонидан катта тайёргарлик кўрилди, – дейди «Asia Alliance Bank» АТБнинг Пул муомаласи ва чакана амалиётлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари Б.Мальцев. – Банк имижини намоён этувчи янги стендлар, айна пайтда амалда бўлган барча турдаги маҳсулот ва хизматларимиз бўйича махсус буклет ва видео-роликлар тайёрланди.

Тадбирнинг биринчи кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар ўртасида эълон қилинган «Энг яхши бизнес лойиҳа» танлови голибларини тақдирлаш билан бирга, узоқ йиллардан буён муассасамиз билан ҳамкорлик қилиб келаётган интизомли миждозлар ҳам рағбатлантирилди.

Кўргазмада «Asia Alliance Bank» АТБнинг индивидуал пластик карталари дизайни хусусида қилинган тақдимот кўпчилиқда қизиқиш уйғотди.

Бугунги кунда банкимиз томонидан таклиф этилатган

«BankExpo-2015» VIII миллий кўргазмасида «Asia Alliance Bank» акциядорлик-тижорат банки ўзига хос имиж, қизиқарли акция ва лойиҳалар билан иштирок этди. Бу ҳам ташриф буюрувчилар, ҳам ташкилотчилар эътиборини тортиб, тадбир якунида «Энг самарали молиявий лойиҳа» номинациясига сазовор бўлди.

Бундай карталар 250 дан ортиқ турга эга. Уларнинг дизайни мавзу жиҳатидан жуда кенг. Банк филиалларида ушбу турдаги карталар бўйича каталоглар ташкил этилган. Шунингдек, миждозлар хоҳишига кўра, банкда индивидуал карталарга шахсий суратлар ҳам туширилмоқда, каталоглардаги пластик карта дизайни қайта ишланмоқда. Бундай хизматнинг афзаллиги – миждоз банк пластик карталарини расмий сайтимиз орқали танлаши ва «Click» тизими орқали тўловни амалга ошириб, электрон тарзда буюртма бериши мумкин. Бу хизмат ҳам банк, ҳам миждозни ортиқча қўғоз-бозлик ишларидан холи қилиши, вақтни тежаши билан қулай. Миждоз карта эскизини танлаганидан сўнггина у банкда пластик шаклда эмиссия қилинади.

Сайтимизда «Индивидуал



дизайндаги карталар буюртмаси» бўлими ташкил этилган. У ерда шахсий фото-суратингизни юклаб, бўлғуси карточкангиз намунасини кўришингиз мумкин.

Шунингдек, банкимизда «Иш ҳақи» лойиҳаси асосида оилавий карталар ҳам таклиф этилмоқда. Унга кўра, агар бир оилада ота ўз иш фаолияти асосида карта (иш ҳақи)га эга бўлса, унинг ҳисо-

бидан оила аъзолари (турмуш ўртоғи, ўғил-қизи) ҳам фойдаланиши мумкин. Бунда ҳар бир оила аъзоси учун индивидуал пластик карта муомалага чиқарилиб, улар асосий («Иш ҳақи» лойиҳаси асосидаги картага эга ота) ҳисоб рақамига уланади. Бунда ҳар бир карта фойдаланувчининг ёши ва қизиқишига қараб дизайн жиҳатидан фарқланиши мумкин. Шунинг-

дек, ушбу лойиҳа асосида банкнинг иккинчи таклифи ҳам бўлиб, унга мувофиқ, ҳар бир оила аъзоси учун махсус лимит (масалан, турмуш ўртоғига 500 минг сўм, ўғлига эса, 50 минг сўм)нинг белгиланишидир. Бу хизмат, ўз навбатида, электрон тарзда оилавий бюджетни назорат қилиш имконини яратиб беради.

Таъкидлаш жоизки, «Asia Alliance Bank» АТБ бугунги кунда пластик карталар эмиссияси бўйича етарли даражада замонавий технологик ускуналар билан таъминланган. Хусусан, ана шундай банк технологик ускуналарини ишлаб чиқишда жаҳон етакчиларидан бири бўлган «DataCard» компаниясининг ускуналари ҳамда зарур дастурий таъминот ва сифатли хомашё материалларига эга.

Бугунги кунгача «Asia Alliance Bank» АТБ мингга яқин индивидуал дизайндаги карталар муомаласини амалга оширди.

Назира МАВЛОНОВА.

REYTINGLAR



Тижорат банклари рейтинги натижаси шарҳи


«Ahbor-Reyting» рейтинг агентлиги 2014 йил якунларига кўра, «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ рейтинг мониторинги натижалари юзасидан «Барқарор» прогнози билан «uzA+» даражасидаги миллий шкала бўйича кредит рейтингини тасдиқлади.

Кўриб чиқилаётган пайтда «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ бизнеси миқёсларини фаол кенгайтди. Чунончи, 2014 йил якунларига кўра, банк активлари ундан аввалги йилнинг шу даври билан солиштирганда 14,38 фоизга ошиб, 7,81 трлн. сўмга етди. Бунда банк кредит портфели бруттоси ундан аввалги йилнинг шу даври билан солиштирганда 24,41 фоизга ошди ва 2014 йил якунларига кўра 6,15 трлн. сўмни ташкил этди.

Кўриб чиқилаётган пайтда «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ ликвид позицияси мақбул даражада деб баҳоланди. 2014 йил якунларига кўра, банкнинг ликвид активлари 1,29 трлн. сўмни ёки жами активларининг 16,55 фоизини (2013 йил якунларига кўра: 23,66 фоиз) ташкил этди. Кўриб чиқилаётган давр мобайнида банкнинг жорий активлари ва жорий мажбуриятлари ундан аввалги йилнинг шу даври билан солиштирганда тегишинча 18,77 фоиз ва 10,22 фоизга пасайди. Шу билан бир вақтда, «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ жорий ликвидлиги коэффициенти 2013 йил якунларидаги 102,11 фоиздан 2014 йил якунларида 92,38 фоизгача пасайди.

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ капиталлашуви кўриб чиқилаётган пайтда мақбул дея баҳоланди. Чунончи, 2014 йил якунларига кўра, «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ хусусий капитали ундан аввалги йилнинг шу даври билан солиштирганда 69,04 фоизга ошиб, 727,6 млрд. сўмга етди (2013 йил якунларига кўра, 430,4 млрд. сўм). Шу жумладан, «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ устав капитали 2014 йил охирига келиб 92,52 фоизга ошди ва 614,6 млрд. сўмга етди (2013 йил якунларига кўра, 319,2 млрд. сўм). «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ капитали етарлиги кўрсаткичлари ҳам мақбул даражада дея баҳоланмоқда. Чунончи, 2014 йил якунларига кўра, «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ умумий капитали ва I даражадаги капитали етарлиги коэффициенти аввалги йилнинг шу давридагига нисбатан ошиб, тегишинча 17,40 фоиз ва 15,70 фоизни (2013 йил якунларига кўра, 12,50 фоиз ва 10,90 фоиз) ташкил этди.

Реклама



ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК

**«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК» АТБ
жамоаси барча юртдошларимизни
Наврўз байрами билан муборакбод этади.
Оилангизга тинчлик, фаровонлик ва
осойишталик тилайди!
БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН,
АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!**

**«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ аҳолига қуйидаги
омонат турларини таклиф этади**

МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТЛАР

Омонат номи	Омонат тури	Муддати	Омонатнинг шarti
Ягонасан Ватаним	Жамғарма	4 ой	Омонатнинг минимал миқдори 100,0 минг сўм, фоиз тўловлари ҳар ойда тўланади
Коммунал тўловлар учун	Жамғарма	1 йил	Омонатнинг фоизи ҳар ой омонатчининг бир ойлик коммунал тўловларига йўналтирилади

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТЛАР

Омонат номи	Омонат тури	Муддати	Омонатнинг шarti
Соврин-2	Муддатли	12 ой	Омонат бонус ютуқли, фоиз тўловлари ҳар ойда тўланади
Эътироф	Жамғарма	4 ой	Омонатнинг фоиз тўловлари ҳар ойда Марказий банк курси бўйича миллий валютада тўланади

«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК» – ВАҚТ ДАВОМИДА СИНАЛГАН ИШОНЧ!
Call-марказ: 0(371) 200-43-43, www.uzpsb.uz

Хизматлар лицензияланган.

«Ahbor-Reyting» рейтинг агентлиги 2014 йил IV чораги якунларига кўра, «Универсалбанк» хусусий акциядорлик-тижорат банкнинг рейтинг мониторинги натижалари юзасидан «Ижобий» прогноз билан «uzB» даражасидаги миллий шкала бўйича кредит рейтингини тасдиқлади.

Кўриб чиқилаётган даврда «Универсалбанк» ХАТБ молиявий фаолияти кўрсаткичлари барқарор ўсган. Чунончи, 2014 йил IV чораги якунларига кўра, банк активлари ундан аввалги йилнинг шу даври билан солиштирганда 9,98 фоизга ошиб, 76,5 млрд. сўмни (2013 йил IV чораги якунларига кўра, 69,6 млрд. сўм) ташкил этди.

Кўриб чиқилаётган давр якунларига кўра, банкнинг ликвид активлари ўтган йилнинг шу даври би-

лан солиштирганда 0,68 фоизга ошди ва давр якунида 20,2 млрд. сўмни ёки жами активларнинг 26,39 фоизини (2013 йил IV чораги якунларига кўра, 28,82 фоиз) ташкил этди. Шу билан бир вақтда, кўриб чиқилаётган давр мобайнида банкнинг жорий активлари ва жорий мажбуриятлари ўтган йилнинг шу даври билан солиштирганда тегишинча 0,79 фоиз ва 75,10 фоизга пасайган. Бунинг натижасида «Универсалбанк» ХАТБ жорий ликвидли-

лиги коэффициенти 2013 йил IV чораги якунларидаги 50,54 фоиздан 2014 йил IV чораги якунларида 52,51 фоизгача кўпайган.

2014 йил IV чораги якунларига кўра, банкнинг хусусий капитали ундан аввалги йилнинг шу даври билан солиштирганда 4,49 фоизга ошиб, 20,0 млрд. сўмга (2013 йил IV чораги якунларига кўра, 19,1 млрд. сўм) етган. «Универсалбанк» ХАТБ умумий капитали ва I даражадаги капитали етарлиги коэффициенти 2014 йил IV чораги якунларига кўра тегишинча 28,30 фоиз ва 32,00 фоизни (2013 йил IV чораги якунларига кўра, 31,30 фоиз ва 36,40 фоиз) ташкил этди.

BANK FAOLIYATI



Дарҳақиқат, вилоятда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш борасида амалга оширилаётган ишлар натижасида бугунги кунда тижорат банкларига аҳоли ва хусусий тадбиркорларнинг эҳтиёжларига мос равишда халқаро стандартларга мувофиқ замонавий банк хизматлари кўрсатилиб келинмоқда. Чунончи, ўтган йиллар давомида худудда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кредитлаш ҳажми ўртача 30 фоиздан ошди. 2014 йилда банкларнинг вилоят филиаллари томонидан соҳа субъектларига 712 млрд. сўмлик кредит маблағлари ажратилди. Шу билан бирга, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг

Банк хизматларининг кенг намоёйиши

«BankExpo-2015» – банк технологиялари, ускуналари ва хизматлари миллий кўргазмаси Самарқанд вилоятида ўтказилиб, унда сўз олганлар республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун кенг имкониятлар яратилаётгани, халқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантириш орқали экспортбон ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилаётгани, бунда иқтисодийтимизнинг локомотиви бўлган тижорат банкларининг роли тобора ошиб бораётганини алоҳида таъкидлашди.

тадбиркорликка оид лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида 25,5 млрд. сўмлик сармоя йўналтирилди.

Тадбир доирасида тадбиркорлик фаолиятига доир яна 51 та лойиҳани молиялаш учун жами 980 млн. сўмлик сертификатлар топширилди.

Ушбу ҳужжатлар банклар томонидан эълон қилинган танлов натижаларига мувофиқ, кичик бизнес вакиллари, деҳқон ва фермер хўжаликлари раҳбарлари ҳамда ёшлардан иборат бўлғуси ишбилармонларга тақдим этилди.

Кўргазмага ташриф буюр-

ганлар сони 6,5 мингдан ошди. Улар орасида тадбиркорлик субъектлари, деҳқон ва фермер хўжаликлари вакиллари асосий ўрин эгаллади. Шунингдек, тадбир айна пайтда вилоятга ташриф буюрган хорижлик меҳмонлар эътиборини ҳам жалб қилди.

Кўргазма давомида ёш оилалар, оилавий бизнес вакиллари, ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагида бўлган таълим муассасалари битирувчилари учун алоҳида тақдимот тадбирлари ташкил этилди.

Кўргазмада «Камолот» ЁИХ, Давлат солиқ бошқармаси, Савдо-саноат палатаси ва бошқа бир катор ташкилотлардан вакиллар қатнашди. Вилоятнинг барча тижорат банклари билан бир қаторда лизинг ва сугурта компаниялари томонидан ташкил қилинган маҳсулот ва хизматлар стенди тадбир мазмунини янада бойитди.

Ширин БАЙСЕНОВА.

«Трастбанк»нинг рейтинг натижаси

«Anbor-Reyting» рейтинг агентлиги 2014 йил IV чораги якунларига кўра, «Трастбанк» хусусий акциядорлик биржа банкнинг рейтинг мониторинги натижалари юзасидан «Барқарор» прогнози билан «uzA+» даражасидаги миллий шкала бўйича кредит рейтингини тасдиқлади.

Сўнги йилларда «Трастбанк» ХАББ бизнеси миқёсини фаол кенгайтормоқда. Чунончи, 2014 йил IV чораги якунларига кўра, банк активлари аввалги йилнинг шу даври билан солиштирганда 4,21 фоизга ўсиб, 774,7 млрд. сўмга етди (2013 йил IV чораги якунларига кўра, 743,4 млрд. сўм). Шу жумладан, таҳлил қилинаётган давр якунларига кўра, банкнинг кредит портфели 2013 йил IV чораги якунлари билан солиштирганда 50,98 фоизга ошиб, 380,5 млрд. сўмга ёки «Трастбанк» ХАББ жами активларининг 49,12 фоизга етди (2013 йил IV чораги якунларига кўра, 33,90 фоиз).

«Трастбанк» ХАББ ликвид позицияси мақбул даражада дея баҳоланди. Чунончи, 2014 йил IV чораги якунларига кўра, банкнинг ликвид активлари 286,9 млрд. сўмни ташкил этди. «Трастбанк» ХАББ жорий ликвидлиги коэффициенти 2014 йил IV чораги якунларига кўра 52,53 фоизни ташкил этди.

Кўриб чиқилаётган даврда «Трастбанк» ХАББ капитали адекватлиги кўрсаткичлари яхши даражада дея баҳоланмоқда. Чунончи, «Трастбанк» ХАББ хусусий капитали 2014 йил IV чораги якунларига кўра, аввалги йилнинг шу даври якунлари билан солиштирганда 22,49 фоизга ошиб, 111,1 млрд. сўмга етди (2013 йил IV чораги якунларига кўра, 90,7 млрд. сўм). Бунда умумий капитал ва I даражадаги капитал етарлилиги коэффициентлари 2014 йил IV чораги якунларига кўра тегишинча 20,20 фоиз ва 19,30 фоизни (2013 йил IV чораги якунларига кўра, 17,70 фоиз ва 17,00 фоиз) ташкил этди. «Трастбанк» ХАББ хусусий маблағлар билан таъминланганлиги кўрсаткичи 2014 йил IV чораги якунларига кўра, 14,34 фоизни (2013 йил IV чораги якунларига кўра, 12,20 фоиз) ташкил этди.

Реклама

TRASTBANK
ИШОНЧ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

«Трастбанк»
хусусий акциядорлик
биржа банки

*Барча юрtdошларимизни
кириб келаятган янгилашни айёми –
Наврўз байрами билан
чин дилдан муборакбод этади!
Ушбу шукуҳли кунларда юртимизга
тинчлик, халқимизга фаровонлик ва
дастурхонларимизга
тўкин-сочинлик тилайди.*

*Қалбингизни баҳорий кайфият
асло тарқ этмасин, азиз халқюртлар!*

Банк жамоаси.

www.trustbank.uz
Хизматлар лицензияланган.

MINTAQUALARDAN XABARLAR

Янги корхона иш бошлади

Юртимизда Наврўз нафаси кезаётган шу кунларда Термиз шаҳрида «Саиджон-Муҳаммаджон музқаймоқлари» масъулияти чекланган жамияти иш бошлади.



Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, кулай ишбилармонлик муҳитини яратиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар аҳолини арзон, сифатли, рақобатбардош озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

«Саиджон-Муҳаммаджон музқаймоқлари» масъулияти чекланган жамияти ҳам хусусий секторга яратилаётган имконият ва имтиёزلардан

самарали фойдаланиб, 1 млн. 200 минг АҚШ долларлик сармоя эвазига хориждан замонавий технология харид қилди. Кунига ўн тоннагача музқаймоқ ишлаб чиқариш қувватига эга корхона маҳсулотлари сифати ва хуштаъмлиги, нархининг арзонлиги билан хариддорларга манзур бўлмоқда.

– Ўттиз турдаги музқаймоқ ишлаб чиқариб, замонавий усулда қадоқламоқдамиз, – дейди **корхона раҳбари Ў.Сатторов**. – Келгусида ишлаб чиқариш ҳажми ва маҳсулот турини янада ошириш, қўшимча иш ўринлари яратишни режалаштирганмиз. Жумладан, 250 минг доллар қийматидаги хориж технологиясини ўрнатиб, сут кукун ва 15 турдаги қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб

чиқаришни йўлга қўймоқчимиз. Бунинг натижасида яна юздан ортиқ ёш иш билан таъминланади.

Шу пайтга қадар Сурхондарё вилоятига музқаймоқ асосан Тошкент шаҳри ва қўшни вилоятлардан келтирилар эди. Янги корхона иш бошлаши билан бу масала ўз ечимини топди. Аҳолини сифатли маҳсулот билан узлуксиз таъминлаш учун туман марказларида корхонанинг улгуржи савдо шохобчалари ташкил этилди. Бу юздан ортиқ ўғил-қизни иш билан таъминлаш имконини берди. Уларнинг аксарияти ўрта махсус касб-хунар таълими муассасаларини битирган ёшлар.

– Термиздаги 2-академик лицейда таҳсил олганман, – дейди **Ф.Аллахонова**. – Янги корхонада замонавий ускуналарни бошқаришни тезда ўзлаштириб олдим. Бу ерда самарали ишлаш учун барча шароит яратилган. Туманлардан келган ишчилар учун шинам ётоқхона ҳам мавжуд.

ЎЗА материали асосида.

Ёшлар молиявий саводхонлигини оширишда банкларнинг иштироки

Андижон шаҳридаги «Ҳамкор» бизнес марказида чет эл капитали иштирокидаги «Ҳамкорбанк» акциядорлик-тижорат банки томонидан «Ёшлар молиявий саводхонлигини оширишда банкларнинг ўрни» мавзусида тадбир ўтказилди.



Унда чет эл капитали иштирокидаги «Ҳамкорбанк» АТБ Бошқаруви аъзолари, вилоят прокуратураси, касб-хунар таълими бошқармаси масъул ходимлари, вилоят коллежларининг 100 нафардан ортиқ ўқувчилари ҳамда маҳаллий ва марказий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Таъкидланганидек, Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорида кичик тадбиркорлик субъектлари, оилавий бизнес, таълим муассасаларининг ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагида бўлган битирувчиларига банк хизматларидан унумли фойдаланишни йўлга қўйиш юзасидан аниқ вазифалар белгиланган ва бу борада ёш тадбиркорларга барча шароитлар яратиб бериши кўзда тутилган. Мазкур масала чет эл капитали иштирокидаги «Ҳамкорбанк» АТБ асосий стратегияларидан бири ҳисобланиб, шу кунгача банк томонидан юзлаб ёшларга уларнинг ўз бизнесларини йўлга қўйишлари учун кредитлар ажратилди.

Тадбир давомида Global money week (GMW) ҳафталиги ҳақида ҳам батафсил маълумот берилди.

Хусусан, Global money week – бу ишончли ва маъсулиятли молиявий келажак учун келгуси авлоднинг имкониятларини кенгайтиришга қаратилган халқаро тадбир эканлиги ҳамда мазкур ҳафталик ҳар йили бутун дунё ҳамжамияти ёшлари учун молиявий муҳитни ўзгартириш ва ёш фуқароларга уларнинг ўз келажакларини белгилашларида қўл келаетганлиги, шунингдек, билим ва воситаларни тақдим

этиш мақсадида куч-ғайратларини бирлаштираётгани алоҳида таъкидланди.

GMW ҳар йили март ойининг иккинчи ҳафтасида (9-17 март) нишонланади. Мазкур ташаббус CYFI (Child & Youth Finance International) котибияти томонидан уюштирилса-да, тадбирларнинг ўзи бутун дунё бўйлаб мактаблар, университетлар, вазирликлар, марказий банклар, тижорат банклари, молиявий муассасалар, фуқаролик жамияти аъзолари ва фаол ёшлар томонидан ташкиллаштирилади. Айнан ушбу ҳафталик давомида пул, кредитлар, омонатлар, маблағларни жамғариш ва бошқа мавзуларга бағишланган турли-туман тадбирлар бутун дунё бўйлаб ўтказилади.

Чет эл капитали иштирокидаги «Ҳамкорбанк» АТБ ҳам GMW ҳафталигининг Ўзбекистон Республикасидаги ташкилотчиси ва иштирокчиси.

Дарҳақиқат, мазкур ҳафталик ҳақида гапирганда, болалар ва ёшлар тежамкорлик ва жамғармаларга болалик чоғиданок ўрганишлари жуда зарурлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Бундан ташқари, улар жамғарма банк ҳисоб рақамига эга бўлишлари ва банк тизими билан яқин танишишлари ҳам талаб этилади. Чунки молиявий саводхонликка эга бўлмаслик – жамғармалар мавжуд бўлмагани ҳолда ҳаддан ташқари харажатларга асосланган ҳимояланмаган келажак сари элитади, демакдир.

Тадбир давомида ёшларга банк фаолияти ва тақдим этилаётган маҳсулот, хизматлар юзасидан батафсил маълумотлар ҳамда тақдимотлар намойиш этилиб, ўқувчиларнинг бу борадаги саволларига жавоблар берилди.

Банк Ахборот хизмати материали асосида.

Реклама



XALQ BANKI

ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ
ХАЛҚ БАНКИ ЖАМОАСИ

мамлакатимиз аҳолисини Наврўз урмушилик байрами билан чин қўлданан муборакбод этади. Ушбу кунларда хонадонимизга тинчлик, фойс-баракка, оилавий бахт, дастурхонимизга тўқтин-сочинлик тилайди. Дилёримиз осмонни мусофирро, турмушимиз янада фаровон бўлсин!

Хизматлар лицензияланган.

IQTISODIYOT TARMOQLARIDA

Реклама

ИПОТЕКА BANK

10 yil

«Ипотека-банк»
акциядорлик-тижорат ипотека банки
жамоаси

Сизни баҳор айёми – Наврўзи олам билан муборакбод этади!

**Барчангизга сиҳат-саломатлик,
оилангизга тинчлик ва шодлик тилаймиз.
Баҳорий кайфият сизни ҳеч қачон
тарк этмасин!**

Маълумот хизмати: (0-371) 150-89-56
www.ipotekabank.uz

Хизматлар лицензияланган.

Ижтимоий лойиҳалар
учун грантлар

«Кичик микёсдаги ижтимоий лойиҳаларга бегараз ёрдам бериш» дастури доирасида Япония ҳукумати Ўзбекистонга 11 та янги грантлар ажратди. Грант-шартномалар Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган маросимда имзоланди.

Унда сўзга чиққанлар Ўзбекистон ва Япония ўрта-сидаги ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий ҳамкорлик алоқалари тобора ривожланиб бораётганлигини таъкидлашди.

Япониянинг мамлакатимиздаги элчихонаси маълумотларига кўра, 1995-2014 йиллар давомида ушбу дастур доирасида Ўзбекистонда тиббиёт ва таълим муассасалари, маҳаллий ҳокимият органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан 22,247 млн. доллар миқдоридаги 341 та лойиҳа амалга оширилган.

«Туркистон-пресс» НАА.

Замонавий техникалар
кўрғазмаси

Навоийда «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» акциядорлик лизинг компанияси томонидан қишлоқ хўжалиги техникалари кўрғазмаси ўтказилди.

Навоий ва Бухоро вилоятлари фермерлари иштирок этган тадбирда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган 44 русумдаги энг замонавий техника ва агрегатлар намойиш этилди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда қишлоқ хўжалиги соҳасини янада ислоҳ қилиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, замонавий техникалардан кенг ва самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

– Бундай кўрғазмалар фермерлар учун катта имконият яратади, – дейди «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» компанияси Навоий вилояти филиали мутахассиси Умар Курбонов. – Тадбирда вилоят фермерлари томонидан 77 дон техника ва агрегат харид

қилиш бўйича 4,5 млрд. сўмлик шартнома имзоланди. Бухоролик фермерлар ҳам бу борада қатор келишувларга эришдилар.

Дарҳақиқат, 2014 йили Навоий вилояти фермерларининг оғирини енгил қилиш мақсадида компания томонидан 133 дон замонавий техника лизинг асосида етказиб берилди. Жорий йилда бу кўрсаткич 255 га етиши кутилмоқда.

– Кўрғазмада хўжалигимиз учун зарур тежамкор ҳайдов тракторини харид қилдик, – дейди Хатирчи туманидаги «Фофуржон Абдухолиқов» фермер хўжалиги раҳбари Бобошер Холиқов. – Эллик гектар еримиз бор. Пахта ва галладан йилга ўртача 40 центнердан ҳосил оламиз. Янги техника ҳосилдорликни янада ошириш имконини беради. ЎЗА материали асосида.

Аҳолининг истеъмол маданиятини ошириш — устувор масала

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасида 15 март – Халқаро истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кунига бағишланган «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳолининг истеъмол маданиятини ошириш борасида қўмита томонидан амалга оширилаётган ишлар» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш мақсадида юртимизнинг барча минтақаларида амалга оширилаётган, хусусан, Давлат рақобат қўмитаси томонидан истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида жамоатчилик орасида олиб борилаётган кенг тарғибот-ташвиқот тадбирларига эътибор қаратилди.

2014 йилда Давлат рақобат қўмитаси томонидан истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчилик ва норматив ҳужжатларни жамоатчиликка етказиш мақсадида тизимли равишда ОАВда жами 1450 дан ортиқ чиқишлар ташкил қилинган, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда марказий ва нодавлат телерадиоканалларида ушбу қонунчилик та-

лаблари бўйича ижтимоий роликларни бериб борилаётгани, шунингдек, мазкур фаолият доирасида қўмита томонидан семинар, брифинг ва давра суҳбатлари ташкил этилаётгани тадбир давомида айтиб ўтилди.

Шунингдек, истеъмолчилар учун ҳафталик «Истеъмолчи» – «Потребитель» газетаси ҳам чоп этилаётгани, www.istemolchi.uz ва www.potrebitel.uz махсус порталлари фаолият кўрсатиб келаётгани, ушбу порталлар орқали эса истеъмолчилар ўзларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан танишиш ҳамда он-лайн маслаҳатлар олишлари мумкин.

– Ижобий натижа сифатида қўмита ва унинг ҳудудий органларига истеъмолчилардан келиб тушаётган ариза ва мурожаатлар сони ортиб бормоқда, – дейди Давлат рақобат қўмитаси-




нинг Реклама фаолиятини назорат қилиш ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси бош мутахассиси Абдурахмон Рауфов. – 2014 йилнинг ўзида қўмита ва унинг ҳудудий органларига истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича жами 4725 та мурожаат келиб тушган бўлиб, мурожаатлар сони 2013 йилга нисбатан 327 тага ёки 7 фоизга ортиган. Уларни ўрганиб чиқиш натижасида 1,2 млрд. сўм миқдоридаги маблағ истеъмолчилар фойдасига қайта ҳисоб-китоб қилинди.

Ёрқин ОЧИЛОВ.

НАМКОРЛИК

Реклама



ALOQABANK

*«Алоқабанк»
акциядорлик-тижорат
банки жамоаси*

*Барча юртдошларимизни
Баҳор байрами - Наврӯз
билан самимий
муборакбод этади!
Сизларга бахт-саодат
ва бахорий кайфият тилайди!*

Хизматлар лицензияланган.

Ҳамкорликдан реал натижаларга

2014 йили «Урганч экскаватор» ОАЖ базасида «UzXCMG» МЧЖ Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси ташкил этилиб, ушбу мажмуа қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва қурилиш соҳасига замонавий техникаларни етказиб бера бошлади.

Бунинг учун жамиятга 100 дан ортиқ энг сўнги русумдаги асбоб-ускуналар ва ёрдамчи материаллар олиб келинди. Ишчи-хизматчиларни ўқитиш ва малакасини ошириш эса Хитой Халқ Республикасида ташкил этилди.

– 2014 йилнинг 10 майида иш бошланган корхонамиз йил охиригача 103 та экскаватор ҳамда 54 та бульдозер ишлаб чиқарди, – дейди корхона бош директори **Исломбой Ҳайитбоев**. – 2015 йилда бу кўрсаткични 300 тага етказиш режалаштирилган. Айни пайтда 150 нафар ёш мутахассис фаолият юритаётган корхона маҳсулотлари Япониянинг «ISUZU» ва «KAWASAKI» компанияларининг двигателлари ва гидравлика тизимлари билан жиҳозланган. Шуниси қувонарлики,

оғир техникаларимиздан йирик қурилиш майдонлари, қишлоқ хўжалиги экин далаларини текислаш, зовурларни тозалашда ҳам самарали фойдаланилмоқда. «Ангрен – Поп» янги электрлаштирилган темир йўл участкасида олиб борилаётган қурилиш ишларида ҳам техникаларимиз яхши самара бераёпти.

Шу ўринда «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК ва «Xuzhou Construction Machinery Group Co. Ltd» корпорацияси ўртасида 2015 йил охиригача ишлаб чиқаришнинг иккинчи санат йиғиш босқичига ўтиш тўғрисида меморандум имзоланганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бунда маҳсулот таннархини пасайтириш, рақобатбардошлигини ошириш ва, албатта, янги иш ўринла-

ри яратишга аҳамият қаратилади. Шу билан бирга, маҳаллийлаштириш орқали импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқарилиб, валюта тежалади. Бу эса корхонанинг иқтисодий барқарорлигини ошириш, ички ва ташқи бозордаги ўрнини мустаҳкамлашга имкон беради.

Мутахассисларнинг фикрича, бу жараёнда сифатли қурилиш техникалари турларини ошириш, автомобиль йўллари қуриш ва қишлоқ хўжалиги учун замонавий техникалар, хусусан, занжирли тракторларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш бўйича йирик лойиҳалар мамлакатимизнинг sanoat салоҳиятини янада юксалтиришга қаратилгани билан ҳам муҳим аҳамиятга эга.

«Туркистон-пресс»
НАА.

Ўзбекистон — Ҳиндистон
бизнес-форуми

Тошкентда Ўзбекистон ва Ҳиндистон фармацевтика компаниялари вакилларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги вакиллари ҳам иштирок этди.

Ўзбекистон ва Ҳиндистон давлатлари ўртасидаги самарали ҳамкорлик фармацевтика тармоғида ҳам изчил ривожланиб бормоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Республикасининг «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Қонуни мамлакатимизда фармацевтика sanoatини ривожлантиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланди. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, мамлакатимизда импорт ўрнини босадиган товарлар турини кенгайтириш ва соҳа корхоналарининг экспорт салоҳиятини юксалтиришга доир самарали чоратадбирлар амалга оширилди. «Ўзфармсаноат» давлат акциядорлик концерни бу борада алоҳида ўрин тутмоқда. Концерн томонидан дори-дармонлар, биопрепаратлар ва ташхис ускуналарини ишлаб чиқариш кенгайтирилиб, аҳолини зарур доривор препаратлар билан таъминлаш тизими ривожлантирилмоқда.

Ўзбекистон фармацевтика компаниялари вакиллари мамлакатимизнинг ушбу соҳадаги салоҳияти ҳақида сўз юритди. Юртимизда 1150 га яқин турдаги доривор ўсимликлар ўсади. Ана шу доривор ўсимликлардан 1400 дан ортиқ замонавий дори-дармон воситалари ишлаб чиқарилаётир. Ушбу йўналишда фаолият кўрсатаётган саккизта илмий-тадқиқот институти олимлари янги препаратлар яратиш устида ишламоқда. Бу эса ишлаб чиқарувчиларни кўпайтириш, маҳаллий препаратлар тай-

ёрлашни кенгайтириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилашга хизмат қилмоқда.

Соҳага инвестициялар жалб этилаётгани самарасида дори-дармон ва тиббиёт ускуналарини ишлаб чиқариш муттасил кенгайиб бормоқда. Хусусан, 2014-2016 йилларга мўлжалланган инвестиция дастури доирасида эллидан ортиқ бизнес лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилмоқда.

Ўзбекистон фармацевтика компаниялари Германия, Хитой, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Россия, Туркия, Польша, Болгария, Чехия ва бошқа мамлакатларнинг етакчи



ишлаб чиқарувчилари билан муваффақиятли ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Ҳиндистон ишбилармонлари Ўзбекистон фармацевтика sanoatида эришилаётган ютуқларни юқори баҳолади ва бу борадаги ўз тажрибаси билан ўртоқлашди.

– Ушбу бизнес-форумнинг ўтказилиши ҳар икки мамлакат учун катта аҳамиятга эга, – дейди Ҳиндистон фармацевтика воситалари экспортини ривожлантириш кенгаширининг (**Pharmexcil**) минтақавий директори **Абхай Сингх**. – Биз тажриба алмашишдан ташқари, келажакдаги ҳамкорлик йўналишларини ҳам белгилаб олдик.

Кулай инвестиция муҳити —
тараққиёт омили

«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида Ўзбекистонда инвестициявий муҳитни янада яхшилашнинг ҳуқуқий асослари-га бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Навоий вилояти адлия бошқармаси томонидан ўтказилган тадбирда божхона, солиқ бошқармалари масъул ходимлари, иқтисодий ҳудудда фаолият юритаётган чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналар раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида дунёнинг қатор мамлакатлари ишбилармонларининг эркин фаолият юритиши ва кулай инвестициявий муҳитдан самарали фойдаланиши учун зарур шароит ва кенг имтиёзлар яратилаётгани таъкидланди. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 9 декабрда янги тахрирда қабул қилинган «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонуни бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётир.

– Мамлакатимиздаги кулай инвестиция муҳити кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда кенг имкониятлар яратмоқда, – дейди Навоий вилояти адлия бошқармасининг хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи **Музаффар Турдимов**. – Хусусан, берилган божхона ва солиқ имтиёзлари индустриал-иқтисодий зонадаги 18 корхонанинг хориждан инвестицияларни жалб этиш, янги технологик линияларни олиб кириш бўйича фаолиятини янада ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

ЎЗА материаллари асосида.

KICHIK BIZNES

Реклама

НАВРЎ айёми билан
Сизни чин қалбимиздан муборақбод этамиз!
Соғлиқ, қувонч, эзулик, тинчлик
ва фаровонлик
Сизларга ҳамиша ёр бўлсин!

InfinBANK

Хизматлар лицензияланган.

Экспорт иқтисодиётнинг устунига айланмоқда

Жаҳон иқтисодиётида кузатилаётган беқарорлик, ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчилар ўртасидаги алоқаларнинг издан чиқishi, кўплаб мамлакатларда иш ўринлари сонининг қисқараётгани яна бир бор хусусий секторни изчил қўллаб-қувватлаш, соҳага бўлган эътиборни кучайтириш лозимлигини кўрсатмоқда.

Маълумки, 2008 йили кўҳна қитъада бошланган ва бугунгача ҳам ўз таъсирини сақлаб қолаётган молиявий-иқтисодий инқироз асосан йирик компания ва корпорациялар, молия муассасаларининг кутилмаган ҳолатларга тайёр эмаслигини кўрсатиб қўйди. Бу эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ана шундай мураккаб вазиятларга мослашувчанлиги, ўз фаолиятини талаб ва таклиф асосида тез ўзгартира олишини исботлади.

Айни пайтда экспертлар томонидан хусусий сектор учун қаерда кўшимча имтиёз ва преференциялар яратилган бўлса, ўша ерда ижтимоий муаммолар, айниқса, бандлик масаласини ҳал этишда хусусий сектор иқтисодиёт устунига айланиши мумкинлиги бежиз таъкидланмаяпти.

Тан олиш керак: узоқ йиллар давомида эгалланган бозорларга кириб, харидор топиш осон иш эмас. Аммо карвон кўп, ризқи бўлак, деганларидек, мамлакатимизда тадбиркор ва ишбилармонлар ҳамда деҳқон-фермерлар учун яратилган қулай шарт-шароит ва имтиёзлар, солиқ, божхона тизимидаги преференциялар Ўзбекистон тадбиркорларига ҳеч кимдан кам эмасликларини исботлаш имконини бермоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йилнинг 8 августидagi қарори асосида ташкил этилган жамғармамиз ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан хорижий ҳамкорлар ўртасида ишончли кўприк бўлиш учун бор имкониятларни ишга солмоқда. 2013 йилдан бери мутахассисларимиз томонидан 2550 нафарга яқин тадбиркор учун 1 млрд. 350 млн. доллар атрофидаги шартномалар имзоланишига амалий ёрдам кўрсатилди. Аммо йилдан-йилга экспортчиларимиз сони ва экспорт қилинаётган маҳсулотлар тури изчил кўпаяётгани бу жараён тобора ривожланаётганини кўрсатмоқда. Агар фаолиятимизнинг дастлабки даврларида асосий эътибор жамғарманнинг мақсад ва

вазифаларини тушунтириш, янги тузилманинг ҳуқуқ ва имкониятлари хусусида тадбиркорларимизга кенг маълумот бериш, экспорт қилиш имкониятига эга бўлган ишлаб чиқарувчилар ҳақидаги маълумотлар базасини шакллантиришга қаратилган бўлса, 2014 йилда ташқи бозорга чиқиш учун реал имкониятларга эга бўлди. Натижада ўтган



йилнинг ўзида 2400 га яқин тадбиркорга 1 млрд. 250 млн. долларлик экспорт шартномаси имзоланиб, 842 млн. доллардан ортиқ маҳсулот ва хизматлар экспорти амалга оширилди.

2015 йилда эса маҳаллий тадбиркорларимизнинг талаб ва таклифларидан келиб чиқиб, хорижий ҳамкорларимизни Ўзбекистонга таклиф этиш тажрибасини қўллаб бошладик. Биринчи тажриба пойтахтимиз Тошкентда, иккинчи тажрибамиз эса мамлакатимизнинг аҳолиси зич бўлган Фарғона вилоятида ташкил этилди.

21 та келишув шартномаси имзоланган Фарғонадаги тадбир маҳаллий ишлаб чиқарувчиларимизнинг бизнесга оид билим ва малакаси, албатта, дунёқараши кескин ўзгаришини, айни пайтда ҳар бир тадбиркор ва фермеримиз хорижий ҳамкорларидан бирон-бир масалада кам

эмаслигини кўрсатганини таъкидлашни истар эдим. Бу, шубҳасиз, мамлакатимизда ўрта синф учун яратилган қулай шарт-шароитлар, ҳуқуқий асослар етарлича яратилганидан далолатдир.

Европалик ҳамкорлар, Ўзбекистоннинг Латвиядаги савдо уйи вакиллари, Россия ва Қозоғистоннинг йирик компаниялари иштирок этган ана шу учрашувда кўплаб мамлакатларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларимизга талаб юқори экани, бундай талаб билан ҳар қандай давлат бозорларини эгаллаш мумкинлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Биргина Қозоғистонда ҳар йили

соҳада иш юритаётган тадбиркорларимиз билан изчил ишлар олиб бораётдилар.

Шу ўринда Корея, Япония, Сингапур, Европа Иттифоқи ва Россиядаги савдо ташкилотлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатилганини қайд этиш мумкин. 2015 йилда эса бу йўналишдаги ишларимизни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтармоқчимиз. Чунки ўтган йил таҳлиллари мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва хизматларга дунё миқёсида талаб тобора ортаётганини кўрсатапти.

Ана шундан келиб чиқиб, жойларда республика Савдо-саноат палатаси сингари бир қатор манфаатдор ташкилотлар билан турли семинарлар, муайян соҳани ўрганишга бағишланган давра суҳбатлари ташкил этаёпмиз.

Ишончимиз комилки, 2015 йил экспортчи тадбиркорларимиз учун янада салмоқли натижалар йили бўлади. Хусусан, жамғармамиз томонидан 1 млрд. АҚШ долларидан ортиқ маҳсулот ва хизматлар экспортини амалга оширишни режалаштириб олдик.

Бундан ташқари, 12 та халқаро кўргазма ва ярмаркалар ташкил этиб, маҳаллий маҳсулотлар билан хорижий ҳамкорларимизни таништирмоқчимиз. Шу ўринда жамғармамиз молиявий кўмаги билан 60 та ишлаб чиқариш корхонасида халқаро стандартлар талабига асосан сифат менежменти тизимини жорий этиш кўзда тутилган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ўз олдида дунёнинг тараққий этган давлатлари қаторида муносиб жой эгаллашни мақсад қилган Ўзбекистон тадбиркорларининг хориж бозорларидан ҳам мустаҳкам ўрин эгаллашлари учун мамлакатимизда қулай шароитлар яратилган. Зеро, экспорт ҳар қандай давлат иқтисодиётининг устунлиги, дея тан олинган экан, биз ҳам ана шундай имкониятдан унумли фойдаланиш учун бор имкониятларни ишга солаверамиз.

Жаҳонгир МУСТАФОЕВ,
ЎЗР ТИФ Миллий банки
хузуридаги Кичик бизнес ва
хусусий тадбиркорлик субъектлари
экспортини қўллаб-қувватлаш
жамғармаси директори
(«Туркистон-пресс» НАА).

ТАHLIL

Ўзбекистон минтақалари иқтисодиётининг ривожланиши — 2014 йил якунлари

Республика минтақаларида иқтисодиётнинг ўсиши

Январь-декабрь ойларида мамлакатимизда ЯИМ ўсиши 8,1 фоизни ташкил этди. Республикаимизнинг барча 14 минтақасида 2013 йил январь-декабрь ойларидаги кўрсаткичлар билан солиштирилганда ялпи минтақавий маҳсулот (ЯММ) ҳажми ўсишининг юқори суръатлари кузатилмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси (8,4 фоиз), Жиззах (8,6 фоиз), Наманган (10,3 фоиз), Самарқанд (10,5 фоиз), Сурхондарё (9,3 фоиз), Фарғона (8,4 фоиз) ва Хоразм (11,7 фоиз) вилоятлари ва Тошкент шаҳрида (9,0 фоиз) ЯММ янада юқори суръатлар билан ўсди.

Республика ЯИМда минтақалар улуши

Тошкент шаҳри (14,7 фоиз), Тошкент (9,8 фоиз), Қашқадарё (7,3 фоиз) ва Фарғона (6,7 фоиз) вилоятлари ЯИМда юқори улушга эга.

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиши

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг дастлабки маълумотларига кўра, 2014 йил январь-декабрь ойларида Ўзбекистон саноат маҳсулотлари ҳажми 75 193,5 млрд. сўмни ташкил этди, бу 2013 йилнинг шу давридаги кўрсаткичдан 8,3 фоизга юқоридир. Хоразм вилоятида саноатда юқори ўсиш суръати қайд этилди (47,6 фоиз). Жиззах (15,4 фоиз), Самарқанд (15,7 фоиз) вилоятлари ва Тошкент шаҳрида (15,8 фоиз) саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ўсиши кўрсаткичи 15 фоиздан ортиқни ташкил этди.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 2014 йил давомида 29 787,5 млрд. сўмни ташкил этди ва 9,4 фо-

изга, шу жумладан, озиқ-овқат товарлари – 8,7 фоизга ва ноозиқ-овқат товарлари – 10,0 фоизга ўсди. Хоразм вилоятида истеъмол товарлари ҳажмининг рекорд даражасида ўсиши кузатилмоқда (86,7 фоиз).

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш

Қишлоқ хўжалиги секторида 2014 йил январь-декабрь ойларида республикада 6,9 фоиз даражасида ўсиш суръатлари таъминланди.

2014 йил давомида 9,3 млн. тонна сабзавот (2013 йилнинг шу даврига нисбатан 109,1 фоиз), 2,4 млн. тонна картошка (109,0 фоиз), 1,7 млн. тонна полиз экинлари (108,9 фоиз), 2,5 млн. тонна резавор мевалар (110,2 фоиз) ва 1441,2 минг тонна узум (109,0 фоиз) етиштирилди.

Андижон (7,9 фоиз) ва Наманган (8,5 фоиз) вилоятлари қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари юқори ўсиш суръатларини намоён этдилар.

Асосий капиталга инвестициялар

2014 йилда иқтисодиётга инвестиция киритиш ҳажми эквивалентда 14,6 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. Бунда барча капитал қўйилмаларнинг 21,2 фоиздан зиёд ёки 3 млрд. доллардан ортиқ маблағни хорижий инвестициялар ва кредитлар ташкил этди, уларнинг тўртдан уч қисми – тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир.

Инвестиция дастурини амалга оширишда корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан йўналтирилган тўғридан-тўғри хусусий инвестицияларнинг йилдан-йилга фаол иштирок этаётгани алоҳида мамнуният бағишлайди. Биргина ўтган йилда бундай инвестициялар ҳажми 10,3 фоизга ўсиб, 4,3 млрд. долларни ёки жами инвестициялар ҳажми-

нинг қарийб 30 фоизни ташкил этди.

Тижорат банкларининг инвестициявий фаолияти кенгайди. Улар томонидан 1,7 млрд. доллар ёки 2013 йилга нисбатан 20 фоиз кўп инвестициялар йўналтирилди. Жами инвестицияларнинг 73 фоиздан ортиғи ишлаб чиқариш соҳасига ва қарийб 40 фоизи машина ва ускуналар харид қилишга сарфланди.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган инвестиция сиёсатининг ўзига хос хусусияти маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлашни таъминлайдиган, юқори технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришларни ташкил этишга қаратилган инвестиция лойиҳаларига устувор аҳамият берилаётганида намоён бўлмоқда. 2014 йилда иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида замонавий юқори технологияларга асосланган ускуналар билан жиҳозланган, умумий қиймати 4,2 млрд. долларга тенг бўлган 154 та йирик объект фойдаланишга топширилди.

2014 йил январь-декабрь ойларида Қорақалпоғистон Республикасида инвестициялар жалб этилишининг энг юқори ўсиши кузатилди (43,4 фоиз). Наманган (40,2 фоиз) ва Тошкент (16,8 фоиз) вилоятларида ҳам киритилган инвестициялар ҳажмлари илгариларидан суръат билан ўсди.

Чакана товар айланмаси

Республикада 2014 йил январь-декабрь ойларида чакана товар айланмаси ҳажми 56 643,4 млрд. сўмни ташкил этди, бу 2013 йилнинг шу давридаги кўрсаткичдан 14,3 фоизга кўпдир. Сурхондарё (17,3 фоиз), Жиззах (17,0 фоиз), Қашқадарё (16,2 фоиз), Навоий (15,3 фоиз) ва Сирдарё (15,4 фоиз) вилоятларида товар айланмаси ўсиши суръатлари 15 фоиздан юқори бўлишига эришилди.

1-жадвал.

Республика минтақаларида ЯММ ишлаб чиқарилиши, 2014 йилнинг январь-декабрь ойлари

	млрд. сўмда	2013 йилнинг январь-декабрига кўра фоизда	
		жами	аҳоли жон бошига кўра
Қорақалпоғистон Рес.	3 632,1	108,4	106,8
Андижон вилояти	9 226,3	107,5	105,6
Бухоро вилояти	8 090,7	108,2	106,5
Жиззах вилояти	3 297,0	108,6	106,6
Қашқадарё вилояти	10 509,2	107,9	105,5
Навоий вилояти	7 575,8	104,0	102,5
Наманган вилояти	6 073,3	110,3	108,2
Самарқанд вилояти	9 198,1	110,5	108,4
Сурхондарё вилояти	6 077,0	109,3	107,0
Сирдарё вилояти	2 691,8	107,0	105,1
Тошкент вилояти	14 150,8	107,5	106,3
Фарғона вилояти	9 722,2	108,4	108,6
Хоразм вилояти	4 736,3	111,7	109,7
Тошкент ш.	21 326,3	109,0	108,3
Ўзбекистон Рес.	144 867,9	108,1	106,2

Минтақалар ЯММ ишлаб чиқаришида кичик бизнеснинг улуши

2014 йил якунларига кўра, ЯММда кичик бизнес улуши 56,1 фоизга етди ва 2013 йилнинг шу давридаги кўрсаткич билан солиштирилганда 0,3 фоизли бандга ўсди (55,8 фоиз).


Самарқанд (77,4 фоиз), Жиззах (79,9 фоиз), Сурхондарё (74,5 фоиз) ва Наманган (79,7 фоиз) вилоятларида кичик бизнеснинг энг юқори улушлари кузатилмоқда.

Минтақаларда кўрсатилган хизматлар ҳажми


2014 йил якунларига кўра, кўрсатилган хизматлар ҳажми 82 261,2 млрд. сўмни ташкил этди ва 2013 йилнинг шу давридаги кўрсаткич билан солиштирилганда 15,4 фоизга ўсди.

Қорақалпоғистон Республикаси (21,4 фоиз), Сурхондарё (23,0 фоиз), Наманган (22,0 фоиз), Самарқанд (21,7 фоиз), Андижон (19,0 фоиз) ва Фарғона (19,2 фоиз) вилоятлари юқори ўсиш суръатларини кўрсатдилар.


1-диаграмма. Республика ЯИМ ишлаб чиқаришида минтақалар улуши, фоизда




2-диаграмма. Минтақалар саноати, 2014 йилнинг январь-декабрь ойлари 2013 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан фоизда




3-диаграмма. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, 2014 йилнинг январь-декабрь ойлари 2013 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан фоизда



4-диаграмма. Чакана товар айланмасининг ўсиши, 2014 йилнинг январь-декабрь ойлари 2013 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан фоизда



5-диаграмма. Кичик бизнеснинг минтақалар ЯММ ишлаб чиқаришидаги улуши, умумий ҳажмга кўра фоизда



YIRIK PLANDA



Тошкентда Халқаро саноат форуми

Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ» мажмуида «Uzbekistan Industrial Forum-2015» VII Халқаро саноат форуми иш бошлади.

Халқаро саноат форуми «IEG Uzbekistan» кўргазмалар компанияси томонидан ҳар йили анъанавий тарзда ташкил этилиб, у бир нечта кўргазмалар лойиҳалари, жумладан, «UzSpectechExpo-2015» VII – махсус техника, бутловчи буюмлар, сервис ва газ баллон жиҳозлари, «Uzmetal-MashExpo-2015» VII – металлургия, металлга ишлов бериш, машинасозлик, пайвандлаш техникалари, «UzMiningExpo-2015» VI – кон-қазув саноати учун технологиялар ва жиҳозлар, шунингдек, «UzSecureExpo-2015» V – хавфсизлик тизимлари, меҳнат муҳофазаси, ёнғин хавфсизлиги, «UzChemPlastExpo-2015» V – кимё, пластмасса, лаборатория ва таҳлил, «UzAutomationExpo-2015» III – саноатни автоматлаштириш учун мўлжалланган маҳсулотлар намойишига бағишланган тадбирларни бирлаштирди.

Жорий йилда мазкур анжуманда Россия, Буюк Британия, Швейцария, Канада, Литва, Германия, Қозоғистон, Украина, Хитой, Жанубий Корея, Италия, Туркия, Эрон, Бирлашган Араб Амирликларининг етакчи компаниялари ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг 50 дан ортиғи иштирок этмоқда.

Қатнашчиларнинг 60 фоизга яқини хорижий компаниялар бўлиб, улар орасида соҳанинг етакчи ишлаб чиқарув-

чилари «Ferrit S.R.O» (Чехия), «Текоторговый дом», МЧЖ ҳамда «Пожавто» МЧЖ (Россия), «Meraj international FZC» (БАА), «Maorif plus» МЧЖ, «Grant video servis» МЧЖ (Ўзбекистон) кабиларнинг бўлиши тадбир қатнашчи-



рига ўзаро манфаатли шартномаларни имзолаш ва фаолиятда зурур бўлган техника ва технологияларни харид қилиш имконини яратди.

– Хусусан, биргина «Ўзавтойўл» ДАК тизимидаги корхоналар учун 2015-2020 йилларда 5815 та замонавий йўлқурилиш техникаларини сотиб олиш режалаштирилган, – дейди «Ўзавтойўл» ДАК бошқарма бошлиғи

Ўринбосари Отаназар Жўманиёзов.

– Айни вақтда модернизация дастурига биноан компания тасарруфидаги 10 та корхонада ишлаб чиқариш қувватини ошириш мақсадида 20,7 млрд. сўм маблағ ажратилиб, ишлар бошлаб юборилган. Шунингдек, 2015 йилда Тошкент шаҳрининг транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш

олганда, бундай модернизациялаш чора-тадбирлари босқичма-босқич равишда ҳар йили амалга оширилиб келинмоқда. Бунда эса, кўргазма муҳим роль ўйнамоқда.

Матбуот анжуманида форум доирасида етакчи компаниялар билан йўлга қўйиладиган ҳамкорлик мамлакатимизда турли соҳаларни ривожлантириш, айниқса, саноат ишлаб чиқаришига замонавий технологияларни жалб қилишда муҳим омил бўлиши таъкидланди.

Халқаро саноат форуми Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазирлар вазирлиги, Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимияти, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, «Ўзавтойўл» ДАК, «Ўзкимёсаноат» ДАК, Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Энергетика ва автоматика институти каби вазирлик ва идоралар томонидан расмий қўллаб-қувватланди.

Ширин БАЙСЕНОВА.

Реклама

UTBANK

UTBANK
акциядорлик жамияти
Ўзбекистон аҳолиси
ва меҳмонларини баҳор
ва янгилаш байрами –
Наврўзи олам билан самимий
муборакбод этади!
Сизларга мустақам соғлиқ,
хонадонингизга файзу барака
ва фаолиятингизга
зафарлар тилайди.

Хизматлар лицензияланган.

QONUNCHILIKDAGI YANGILIKLAR



Янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тақдим этамиз



Умидсиз қарзларни ҳисобдан чиқариш тартиби ўзгартирилди

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 2 мартдаги 40-сонли қарори билан муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни қисқартириш ҳамда бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича республика комиссиясининг фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида Ҳукуматнинг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисида»ги қарорига (1999 йил 3 июлдаги 327-сонли) киритилган ўзгартиришларга мувофиқ молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган тугатилаётган корхоналарнинг маблағлари ва мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда, уларнинг бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий тўловлар бўйича тўланмаган қарзлари давлат солиқ хизмати органлари томонидан умид-

сиз солиқ қарзларини ҳисобдан чиқариш учун белгиланган тартибда ҳисобдан чиқарилади.

«Фермер хўжалиги ер майдонини мақбуллаштириш ва уни тугатиш тартиби тўғрисида»ги Низомга (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 январдаги 22-сонли қарори билан тасдиқланган) ҳам айнан шундай ўзгартиришлар киритилди.

Шуни эслатиб ўтамоқчи, илгари мазкур қарзлар Давлат солиқ қўмитаси тақдимномасига кўра Ҳисоб-китоблар механизмининг такомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича Ҳукумат комиссияси қарори билан ҳисобдан чиқарилади эди.

Ҳужжат билан бошқа бир қатор ўзгартиришлар киритилди.

Рўйхат кенгайтирилди

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 23 февралдаги 31-сонли қарори билан Вазирлар Маҳкамасининг «Биржа ва ярмарка савдосининг самарадорлигини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига (1999 йил 15 апрелдаги 174-сонли) ўзгартириш киритилди.

Ҳужжат билан товар-хомашё биржаси орқали юридик ва жисмоний шахслар томонидан экспортга фақат эркин алмаштириладиган валютага сотиладиган товарларнинг янги рўйхати тасдиқланди. Рўйхатда 60 номдаги товарлар ўрин олган. Шуни эслатиб ўтамоқчи, илгариги рўйхатда 52 номдаги товарлар мавжуд эди.

Рўйхатга қуйидагилар киритилди: табиий асал; қизилмия илдизи; кукунли сасиқ коврак қатрони; қурилиш шағали; қури-

лиш оҳаги; арматураланмаган ва бошқа материаллар билан комбинацияланмаган винилхлорид полимерларидан тайёрланган эгилувчан қувурлар; ташиш учун мўлжалланган этилен полимерларидан тайёрланган яшиқлар; полипропилен қоплар.

Шу билан бирга, 2015 йил 1 июндан бошлаб юридик ва жисмоний шахслар томонидан хизматларни товар-хомашё биржалари орқали экспортга сотиш фақат эркин алмаштириладиган валютада амалга оширилиши лозимлиги белгиланди.

Интернет-кафелар фаолиятига янги талаблар белгиланди

Тошкент шаҳрида жойлашган интернет-кафе ва компьютер клубларида миллий маънавиятимизга зид бўлган, жангарилик, шафқатсизлик ва ҳаёсизликни тарғиб этувчи лавҳалар, суратлар, сайтлар, фильмлар кўпайганлиги, бу вояга етмаган ёшлар онгига салбий таъсир кўрсатиб, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг ошишига асосий сабаблардан бири бўлаётганлигини, вояга етмаган ёшларнинг дарс ва тунги вақтларда бундай муассасаларда бўлишини инобатга олиб, шаҳар ҳокими томонидан 2015 йил 18 февралда «Тошкент шаҳрида интернет тармоқлари ва компьютер орқали хизмат кўрсатувчи хўжалик субъектларининг фаолиятини мувофиқлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 146-сонли қарор қабул қилинди. Ҳужжат билан мазкур ташкилотлардаги иш тартибига янги талаблар белгиланди.

Коллеж битирувчиларини ишга жойлаштириш — устувор вазифа

2015 йил 10 мартда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 52-сонли қарори қабул қилинди.

Қарорга мувофиқ, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш, аниқ ташкилотларга (иш берувчиларга) бириктириш ва эгаллаган касблари бўйича ишга жойлаштиришни таъминлаш бўйича Республика мувофиқлаштирувчи кенгаши тузилди. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига қарорда келтирилган намунавий таркибда ҳудудий мувофиқлаштирувчи кенгашларни тузиш топширилди.

Шунингдек, масъул ижрочилар ва бажариш муддатлари кўрсатилган ҳолда касб-хунар коллежлари битирувчиларини, кейинчалик эгаллаган касблари бўйича ишга жойлаш-

тиришни назарда тутган ҳолда, ишлаб чиқариш амалиётини ўташ учун аниқ ташкилотларга (иш берувчиларга) бириктириш ва ишга жойлаштиришни ташкил этиш бўйича ҳар йили амалга ошириладиган тадбирлар белгиланди.

Туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларига касб-хунар коллежлари ва ташкилотлар раҳбарлари билан биргаликда ўз ҳудудларидаги касб-хунар коллежларининг ҳар бир битирувчисини ишлаб чиқариш амалиётини ўташ учун эгаллаган касбига мос йўналишдаги аниқ ташкилотларга (иш берувчиларга) бириктириш ва уч томонлама (ташкилот-битирувчи-коллекж) шартномалар тузиш, бу ҳақдаги маълумотларни ҳудудий мувофиқлаштирувчи кенгашларга тақдим этиш вазифалари юклатилди.

Ташкилий-ҳуқуқий ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларига касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш ва эгаллаган касблари бўйича ишга жойлаштиришга кўмаклашиш тавсия этилди.

Қарорга асосан 2015 йилда тижорат банклари томонидан касб-хунар коллежлари битирувчилари учун имтиёзли кредит ажратишнинг прогноз параметрлари тасдиқланиб, унга кўра республика бўйича бизнес билан шуғулланишга қарор қилган касб-хунар коллежлари битирувчиларига 250,0 млрд. сўм миқдорда имтиёзли кредит берилиши назарда тутилган.

Шахсий кабинет

орқали мурожаатни жўнатиш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 6 мартдаги 50-сонли қарори билан 2014 йил 3 декабрдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги ЎРҚ-378-сонли Қонунга мувофиқ, Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 30 декабрдаги «Интерактив давлат хизматлари кўрсатишни ҳисобга олган ҳолда Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 378-сонли қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Киритилган ўзгартиришлар билан аниқлаштирилишича, фойдаланувчилар шахсий кабинет орқали мурожаатларда қўйилган масалаларни ҳал этиш ваколатига киратилган давлат органларига ўз мурожаатларини юборишлари мумкин.

Фойдаланувчиларнинг шахсий кабинети орқали олувчига юбориладиган мурожаатлари электрон рақамли имзо (ЭРИ) ва уларни идентификациялаш имконини берадиган бошқа рекузитлар билан тасдиқланиши керак. Фойдаланувчи унинг мурожаатига электрон тарздаги жавоб раҳбарнинг ёки олувчининг бошқа мансабдор ваколатли шахсининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланиши керак.

Олувчи шахсий кабинет орқали келиб тушган фойдаланувчининг мурожаати давлат органи раҳбарининг ички буйруғига асосан тайинланган мансабдор шахс томонидан кўриб чиқилади.

SUG'URTA BOZORI

Суғурта тўловининг электрон усули

«Ўзбекивест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси (ЭИМСК)да суғурта хизматлари тўловининг электрон усули жорий этилди. Бу ҳақида мазкур муассаса томонидан ташкил этилган тақдимот маросимида батафсил тўхталиб ўтилди.

Мамлакатимизда барча соҳаларда аҳоли ва мижозларга қулайлик яратиш, сифатли ва замон талабларига мос хизмат кўрсатишни ташкил этиш учун ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ)дан кенг фойдаланилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг «Электрон тўловлар тўғрисида»ги, «Электрон тижорат тўғрисида»ги Қонунлари ҳамда Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 3 апрелдаги «Иқтисодиётнинг реал секторида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2158-сонли Қарори дастуриламал бўлмоқда.

Тадбирда сўз олган «Ўзбекивест» ЭИМСК Бош директори Фахриддин Саидахмедов бугунги кунда республикамиз суғурта бозорини ислоҳ қилишда ҳам электрон савдо ва электрон хизматларни ривожлантиришга эътибор кучайтирилаётганлигини алоҳида таъкидлади.

– АКТ ва дастурий маҳсулотларнинг иқтисодиёт тармоқлари, хусусан, суғурта тизимида кенг жорий этилиши соҳани нафақат ривожлантириш, балки барқарорлигини ошириш имконини бермоқда, – дейди **Ф.Саидахмедов**. – Чунончи, электрон тизим бошқарув самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш харажатларини камайтириш, корхона ва ташкилотлар фаолиятида ҳаққонийлик ва очиқликни таъминлаб, тармоқлараро рақобатни кучайтиришга хизмат қилмоқда.

«Суғурта хизмати тўловининг электрон усулларини жо-



рий этиш» лойиҳаси ҳам «Ўзбекивест» компанияси томонидан ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишларнинг узвий давомидир. Унда мижозларга электрон хизмат кўрсатишни ташкил этиш билан бирга компанияда электрон ҳужжат айланмаси элементларини жорий қилиш, талабномаларни қабул қилишнинг тақсимланган тизимини яратиш, хизматларни масофадан туриб расмийлаштириш ва қайта ишлов бериш имконияти ҳисобига хизматлар майдонини кенгайтириш мақсади илгари сурилган.

Лойиҳа, шунингдек, мижозларнинг муассаса расмий веб-сайтидаги шахсий-кабинетда рўйхатдан ўтишидан тортиб, зарур суғурта турини танлаш, электрон тўлов турларидан бири бўйича тўловни амалга ошириш ҳамда полисинг тайёр бўлишига қадар босқичма-босқич жараёни ҳақида SMS-хабардор қилиш имкониятини ҳам ўз ичига олган. Суғурта хизматлари тўловининг электрон усули компания томонидан кўрсатилаётган хизматлар, тақдим этилаётган суғурта маҳсулотлари учун электрон тўловларни қабул қилиш мақсадида «UzCard», «Click», «SMS-To'lov»,

«Mbank», «Websum» тўлов тизимларига улангани билан аҳамиятли бўлиб, ундан фойдаланиш бепул, тўловлар учун коммиссион ҳақ олинмайди.

Айни пайтда ушбу тизим компаниядаги 10 та суғурта хизмати, жумладан, «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш», «Автотранспорт воситаларининг қисмларини биринчи қалтисликкача суғурталаш», «Гаровга қўйилган автотранспорт воситаларини суғурталаш», «Бахтсиз ҳодисалардан суғурта қилиш», «Ихтиёрий тиббий суғурта», «Оилавий тиббий суғурта», «Гаровга қўйилган мулкни суғурталаш», «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш», «Ихтиёрий мулк суғуртаси» бўйича амал қилинади. Тадбирда таъкидланганидек, истиқболда улар сони кўпайиб бораверади.

Тадбирда «Ўзбекивест» ЭИМСК бошқаруви ҳамда махсуслаштирилган шўба корхоналари ходимлари, Тошкент шаҳар филиалларидан мутахассислар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Эъзоз КАМОЛОВА.

«Кафолат» билан «Камолот» сари

«Кафолат» давлат-акциядорлик суғурта компанияси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ўтказилган «Суғурта – болалар нигоҳида» расмлар танловининг якуний тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

«Кафолат» билан «Камолот» сари» шиори остида ташкил қилинган мазкур танлов пойтахтимиздаги умумтаълим мактабларининг 5-9-синф ўқувчиларини қамраб олди.

«Кафолат» ДАСК Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 10 майдаги «2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги 1754-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 ноябрдаги «Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 413-сонли Қарорлари ижроси юзасидан кенг омма ўртасида суғурта тушунчасининг мазмун-моҳиятини тарғиб қилишга қаратилган турли тадбирларни ташкил этиб келмоқда. Жумладан, жорий йил бошидан муассаса «Камолот» ЁИХ билан ҳамкорликда мактаб ўқувчиларининг замонавий суғурта хизматлари ҳақидаги билим ва кўникмаларини ривожлантириш мақсадида давра суҳбатлари, ўқув-семинарлари ҳамда расмлар танловини бошлаб юборди.

Ёш авлод ўртасида суғурта маданиятини шакллантиришга қаратилган «Суғурта – бола-

лар нигоҳида» номли расмлар танлови дастлаб Тошкент шаҳрида ташкил қилиниб, унинг доирасида шу йилнинг январь-март ойлари давомида пойтахтимиздаги 287 та умумтаълим мактабларида махсус кўнгилли тарғибчилар гуруҳи томонидан интерфаол усулда суғурта тушунчаси, унинг мазмун-моҳиятини англашга қаратилган давра суҳбатлари, семинар-тренинглар ташкил этилди ҳамда «Кафолат» билан «Камолот» сари» шиори остида расмлар танлови ўтказилди. «Суғурта болалар нигоҳида» номли лойиҳага 15 000 га яқин ёшлар жалб қилинди.

Яқинда «Ёшлар ижод саройи»да мазкур танлов доирасида ижодий ишлар кўргазмаси ташкил этилди. Унда 2 мингдан зиёд пойтахтимиз ўқувчи-ёшларининг ижодий ишлари намойиш этилди.

Ёш иқтидор эгаларининг «Суғурта менинг тасаввуримда», «Суғурта билан келажак сари» ва «Кафолат» 18 ёшда» мавзулари доирасида қоғозга туширган асарлари тасвирий санъат йўналишидаги мутахассислар ҳамда танлов ҳайъати аъзолари томонидан баҳоланди.

Юлдуз ЗОКИРОВА.



Суғурта компанияси рейтингини янгилади

«Ahbor-Reyting» рейтинг агентлиги «Ўзгросуғурта» давлат акциядорлик суғурта компанияси (АЖ)нинг «Барқарор» прогнози билан «uzA++» даражасида миллий шкала бўйича тўловга қобилиятлилиқ рейтингини янгилади.

Бугунги кунга келиб «Ўзгросуғурта» суғурта компанияси (АЖ) бошқа барча маҳаллий суғурта компаниялари орасида миллий шкала бўйича тўловга қобилиятлилиқнинг энг юқори рейтингига эга. «uzA++» рейтингини Суғурта компанияси позитив истиқболлар билан ўта ЮКСАК тўловга қобилиятлилиқ даражасига эгаллигини англатади. Мазкур рейтинг ўз мажбуриятлари ва суғурта полислари эгаларининг талабларини ўз вақтида ва тўлиқ бажариш бўйича ўта юқори қобилиятга эга бўлган суғурта компанияларига берилади.

«Ahbor-Reyting» РАнинг тахминига кўра, «Ўзгросуғурта» ДАСК (АЖ) кейинги даврларда ҳам барқарор тарзда юқори ўсиш суръатларини сақлаб қолади. Бунда минтақаларнинг суғурта компанияси суғурта портфелидаги юқори улуши келгусида ҳам сақланиб қолиши эҳтимоли катта, портфель таркиби эса «Ўзгросуғурта» ДАСК (АЖ) стратегиясига қараб муайян даражада волатил, борган сари жисмоний шахслардан иборат бўлган мижозларга қаратилган бўлади. «Ahbor-Reyting» РАнинг тахминига кўра, «Ўзгросуғурта» ДАСК (АЖ) яқин истиқболда зарарлилиқ коэффициенти (бунга ўз навбатида чакана суғурта маҳсулотларини янада ривожлантириш йўли билан эришилиши мумкин) ва харажатлар коэффициенти камайтириш ҳисобига суғурталаш рентабеллиги кўрсаткичларини сақлаши ва мустаҳкамлаши мумкин.

Компания суғурталашнинг барча 17 тоифаси бўйича мажбурий ва ихтиёрий шаклда умумий суғурталаш соҳасида суғурта фаолиятини ўтказмоқда. «Ўзгросуғурта» ДАСК (АЖ) суғурталашнинг янги турларини жорий этишга катта эътибор бермоқда, бугунги кунда компания тақдим этаётган суғурталаш турлари сони 110 тадан ошди. Ўзбекистоннинг бутун ҳудудида 14 та дирекция, 189 та шаҳар ва туман бўлинмаси фаолият юритмоқда, олис қишлоқ жойларда яшовчи аҳолининг суғурта ҳимояси даражасини ошириш мақсадида компаниянинг қарийб 492 та агентлик ваколатхонаси ишламоқда. Омма орасига сингиш даражасининг юқорилиги ва фаолият миқёси юқори сифатли суғурта хизматларини кўрсатиш имконини бериб, компаниянинг рақобатга дош берувчи афзаллиги ҳисобланади. Компаниянинг ушбу барча бўлинмалари суғурта шартномаларини тузиш, суғурталовчилар ва жабрланганларнинг суғурта тўловлари тўғрисидаги талабларини кўриб чиқиш ҳамда суғурта тўловларини амалга ошириш ваколатига эга. Бўлинмаларнинг Ўзбекистон Республикасининг барча туман ва шаҳарларида мавжудлиги компанияга суғурталаш бўйича юқори сифатли хизматлар кўрсатиш ҳамда суғурталовчиларнинг суғурта тўловлари бўйича талабларини тезкор кўриб чиқиш ва ҳал этиш имконини беради.

Кўриб чиқилаётган даврда «Ўзгросуғурта» ДАСК (АЖ) активлари сифати мақбул дея баҳоланди. «Ўзгросуғурта» ДАСК (АЖ) асосий воситалари ундан аввалги йилнинг худди шу давридагига нисбатан 20,66 фоизга ошиб, суғурта компанияси активларининг қарийб 13,29 фоизини ташкил этган.

Суғурта компаниясининг хусусий капитали жами ҳажми аввалги йилнинг шу давридагига нисбатан 81,46 фоизга ошиб, 31,7 млрд. сўмни ташкил этди. Шунинг қайд этиш зарурки, ўтган йил 9 ойи давомида акциядорлик капитали 2013 йил якунлари билан солиштирилганда 2 баравардан ортиқ ўсиб, 23,5 млрд. сўмни ташкил этди. Бунда ўтган йил 9 ойи якунларига кўра «Ўзгросуғурта» ДАСК (АЖ) хусусий капитали 33,1 млрд. сўмни ташкил этди.

TADORIK

Реклама


HAMKORBANK
 BIRGALIKDA YUKSALISH SARI

www.hamkorbank.uz

☎ 0-800-1-200-200


Assalom Navro'z!
Aziz Vatandoshlar!
Navro'z ayyomi har biringizga qutlug' bo'lsin!
*Vatanimiz ravnaqi yo'lida olib borayotgan
ishlaringizga ulkan zafarlar doimo yor bo'lsin!*
«Hamkorbank» ATB jamoasi

Хизматлар лицензияланган.


Finance.uz
 молиявий-иқтисодий портали

 Ўз жамғармаларингизни самарали бошқаришни
 ва мулкнингиздан оқилона фойдаланишни истайсизми?
 Бу саволларга жавобларни www.finance.uz сайтидаги
 «ШАХСИЙ ЖАМҒАРМА» рукнидан топишингиз мумкин.

Ҳамжиҳатлигимиз ифодаси

Мамлакатимизда 14-15 март кунлари ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашарида 18 миллиондан зиёд юрдошимиз иштирок этди.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 25 февралда қабул қилинган «2015 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори Наврўз байрами арафасида шаҳару қишлоқларимизни ободонлаштириш, ўзаро ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш, беғараз ёрдам ва меҳр-мурувват каби эзгу фазилатларни юксалтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Мазкур қарор ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 7 мартдаги фармойишига биноан мамлакатимизда эълон қилинган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги доирасида ташкил этилган умумхалқ хайрия ҳашари барча туман ва шаҳарлар, қишлоқ ва маҳаллалар, меҳнат жамоалари, таълим масканларида уюшқоқлик билан ўтказилди.

«Маҳалла» хайрия жамоат фондидан олинган маълумотларга қараганда, ҳашар кунлари қирқ уч минг гектардан ортиқ майдонда ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Йигирма олти минг километр узунликдаги ариқ-зовур ва лотоклар тозаланиб, тўққиз мингдан ортиқ зиёратгоҳ ва қабристон тартибга келтирилди. Ўн олти мингга яқин махсус техника воситаси ёрдамида қарийб олти минг тонна маиший ва қурилиш чиқиндисини белгиланган жойларга чиқариб ташланди.

Ҳашар йўли билан бир юз элликдан ортиқ объектда амалга оширилаётган реконструкция ишлари якунига етказилиб, янги маҳалла идоралари, гузарлар, савдо дўконлари, «Гўзаллик саломи», «Оталар чойхонаси», дорихона, тўйхоналар, болалар майдончалари, ишлаб чиқариш цехлари ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари фойдаланишга топширилди.

Умумхалқ хайрия ҳашарида «Мустақиллигимизнинг 24 йиллигига 24 туп кўчат» шиори остида корхона, ташкилот ва муассасаларнинг жамоалари томонидан ўн миллиондан ортиқ манзарали, саккиз миллиондан зиёд меваги дарахт, ўн икки миллионга яқин гул кўчати ўтказилди. Дарахтларга шакл берилиб, оқланди.

Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан 100 ёшга тўлган онахон ва отахонлар ҳолидан хабар олиниб, уларга моддий ёрдам кўрсатилди.

Оммавий ҳашарда айниқса, ёшлар фаол иштирок этди.

Хайрия ҳашаридан тушган маблағлар «Маҳалла» жамоат фондининг ҳисоб рақамига ўтказилади. Бу маблағлар кам таъминланган фуқароларни ижтимоий химоялаш, маҳаллалар, аҳоли пунктлари, кўп қаватли уйлар атрофи, гузарлар, мавзелар, болалар майдончалари, зиёратгоҳларни ободонлаштириш каби хайрли ишларга йўналтирилади.

ЎЗА материали асосида.

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

ХАМКОРЛАРИМИЗ ВА МУАССИС

 Ўзбекистон Республикаси
 Марказий банки

«Норма» МЧЖ

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

БОШ МУҲАРРИР

Акмал НАЗАРОВ

Нашр учун масъул

Анвар АСРОРОВ

ЧОП ЭТИШГА ТАЙЁРЛОВЧИ

 Газета «Moliya yangiliklari
 agentligi» МЧЖнинг
 компьютер базасида
 саҳифаланди

АХБОРОТ КЎМАГИ

ЎЗА, «Туркистон-пресс» НАА

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100084, Тошкент ш.,

Ф. Мавлонов кўчаси,

1а-уй, 3-қават.

 e-mail: info@banknews.uz
www.banknews.uz

 Реклама ва эълонлар учун
 234-43-18

телефони орқали мурожаат қилинг.

Юридик шахслар учун нашр индекси – 102.

Жисмоний шахслар учун нашр индекси – 377.

Тахририятнинг фақат ёзма розилиги билан «Банк ахборотномаси»да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилади.

Кўлёмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган.

Газета ҳафтанинг пайшанба куни чоп этилади.

Буюртма № 2078

Адади: 10225 нуска.

Нархи шартнома асосида.

Газета АЗ ҳажмида, 4 шартли босма табоқда чоп этилди.

Босишга рухсат этилди: 18.03.2015 й. 9.00.